

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
УМУМИЙ ТАРИХ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

4-курс “А” гуруҳи талабаси
СОИПОВА МАВЛУДАХОН

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ
ПАРТИЗАНЛИК ҲАРАКАТИ ТАРИХИДАН

5220200 – “Тарих” (минтақалар ва мамлакатлар бўйича) таълим
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

иш раҳбари: катта ўқитувчи Б. Абдуллаев

Андижон – 2014 йил

МУНДАРИЖА

1. Кириш.....	3-15
2. I.боб. Иккинчи жаҳон урушида партизанлар ҳаракатининг ташkil этилиши ва бу ҳаракатнинг йирик арбоблари	16-25
3. II.боб. Партизан отрядлари билан Мунтазам армия ҳаракат- ларининг мувофиқлаштирилиши	26-54
4. III.боб. Урушда қозонилган ғалабага партизанлар ҳаракати- нинг қўшган ҳиссаси	55-69
5. Хулоса.....	70-77
6. Фойдаланилган адабиётлар.....	78-80
7. Иловалар	81

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришиши натижасида жамиятимизнинг барча соҳаларда тубдан ўзгаришлар амалга оширилмоқди ва оширилмоқда. Хусусан, Ватанимиз тарихида миллий ватанпарварлик нуктаи назаридан кизиқиш ортмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди»¹, - деб таъкидлаган. Собиқ шўро салтанати йилларида энг қадимги даврлардан то XX аср охирига қадар бўлган тарихимиз сохталаштирилди. Эндиликда, яъни истиқлол йилларида тарихшунослигимизда бир қатор амалий ишлар амалга оширилди.

Инсоният қадим замонлардан буён жамоа бўлиб яшаб, жамоаларнинг аста-секин ривожланиши Ер қуррасида давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Ҳозирги замон дунё харитасига назар солсангиз, унда сайёрамиз қуруқлик майдонининг каттагина қисмини эгаллайдиган улкан давлатлар билан бир қаторда, дунё харитасида, ҳатто, кичкина нуктага тенг майдонни эгалламайдиган, аммо жаҳон ҳамжамятининг тўлақонли аъзоси бўлган, митти давлатлар ҳам мавжуд. Шунингдек, сайёрамизда дунёнинг олтидан бир қисми аҳолиси истиқомат қиладиган Хитой давлати ва ўзининг байроғига, гербига эга, турли рўйхатларда алоҳида маъмурий бирлик сифатида тан олинган, аммо бор-йўғи 48 киши (яъни 9 оила вакиллари) яшайдиган Питкэрн ороли каби ҳудудлар ҳам бор².

Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда, сайёрамиз яралганидан бери Ер юзида 15 миллиард одам яшаб ўтган эмиш. Швейцариялик олимлар ҳисоб-китобига қараганда, инсониятнинг охириги беш юз йиллик ҳаётида юз берган 14000 урушда қарийб 5 миллиард одам ҳалок бўлган.

Инсоният бутун тарихи мобайнида бор-йўғи 292 йилгина урушмай яшаган.

Англия ва Франция ўртасида 1337 йилдан 1453 йилгача, жами 115 йил давом этган уруш жаҳон тарихидаги энг узоқ уруш ҳисобланади.

Ҳозиргача Ер юзида жами 15000 дан ортиқ уруш бўлган, шундан 5700 таси катта урушлар эди, қабилалараро этник урушлар бунга кирмайди. Улар сони XVI асрда 106 та, XVII асрда 231 та, XVIII асрда 703 та бўлса, XIX асрда 730 тага етган. Ўтган XX асрда эса, Иккинчи жаҳон урушигача 882 та, ундан кейин эса 300 дан ортиқ уруш бўлди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.71.

² Гадоев К. Сайёрамиз мўъжизалари. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б.5.

Урушлар оқибатида XVII асрда 3,3 миллион, XVIII асрда 5,4 миллион, XIX асрда 5,7 миллион киши ҳалок бўлди. Ўтган асрдаги Биринчи жаҳон урушида 10 миллион, Иккинчи жаҳон урушида 52 миллион киши қурбон бўлди.

Мутахассисларнинг ҳисобича, Юлий Цезарь давридаги урушларда битта одамни ҳалок қилишга 1 доллар, Наполеон Бонапарт даврида 1000 доллар, Биринчи жаҳон урушида 21000 доллар, Иккинчи жаҳон урушида эса 200000 доллар миқдорида маблағ сарфланган.³

Ҳозирда тарихимизнинг мустамлакачилик давларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Иккинчи жаҳон уруши тарихини ўрганиш ҳам илмий ҳамда амалий аҳамият касб этади.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихида энг йирик ва ҳалокатли уруши ҳисобланади. Ушбу урушда 61 давлат у ёки бу даражада иштирок этди. Бу ер юзи аҳолисининг 80% дан зиёди демакдир. Жанговар ҳаракатлар 40 мамлакат ҳудудида бўлиб ўтди. Уруш йиллари 50 миллион киши ҳалок бўлди, 12 миллион дан ортиқ одам ўлим лагерларида ўлдирилди, 95 миллион киши ногирон бўлиб қолди. Урушда иштирок этган давлатларнинг ҳарбий ҳаракатлари 1.117 миллиард долларни ташкил этди.

Иккинчи жаҳон уруши, биринчи жаҳон уруши сингари дунёни таъсир доираларига бўлиб олиш учун курашдан келиб чиқди. Буюк Британия Франция, АҚШ каби биринчи жаҳон уруши ғолиблари бўлган давлатлар ва биринчи жаҳон уруши натижаларига кўра ўзларини камситилган, манфаатларини поймол қилинган деб ҳисоблаган Германия, Италия, Япониялар ўртасидаги зиддиятлар бу урушни келтириб чиқарди. XX асрнинг 30-йилларида Германия, Италия ва Япония иқтисодий жиҳатдан улкан ютуқларга эришиб, дунёни бўлиб олишга даъво қилиш учун шарт-шароитлар етилди, деб ҳисоблашди. Германия жаҳонга ҳукмронлик қилиш учун даъво қилди. Италия Болқон ярим ороли, Шарқий Африка, Яқин ва Ўрта Шарқни бўйсундиришга интилди, Япония Тинч океанида, Осиёда то Урал тоғигача бўлган ҳудудда ҳукмронлик қилишни режалаштирди.

"Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов, - ўз Ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт ҳазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз".⁴

³ Зукколар китоби / Аҳмад Муҳаммад Турсун. – Т.: Муҳаррир, 2010. – Б.41.

⁴ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б.81.

Ўзликни англаш - энг аввало, ўтмишни ўрганишда, тарихга эҳтиёж сезишдан бошланади. Дарҳақиқат ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир инсон ўз аجدодлари кимлар бўлгани, ота-боболари нима билан шуғулланишгани ва қандай ҳаёт кечиришганини билиб олишга интилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, “... яқин вақтларгача ижтимоий фанлар аслида сиёсат манфаатларига хизмат қилар эди. Бу эса илмий тадқиқотлар мавзусини белгилашга, бу тадқиқотларнинг доираси, характери ва йўналишларига, жамиятшунос олимларнинг дунёқараши ва методология йўл-йўриқларига ўз тамғасини босди.”⁵

Биз ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олган мавзу, яъни “Иккинчи жаҳон урушидаги партизанлик ҳаракати тарихидан” мавзусини тадқиқ қилиш орқали жаҳон урушида ҳарбий вазият қай тарзда ўзгарди, ўзаро кучлар нисбати нима сабабдан ўзгарди, нима сабабдан жаҳон уруши келиб чиқди, урушнинг бошланишига асосан қайси давлатлар ва шахслар сабабчи бўлганлигини ва энг асосийси эса иккинчи жаҳон уруши даврида ташкил этилган ва фаолият олиб борган партизанлар ҳаракатининг уруш натижасига қўшган улкан ҳиссаси, ҳаракатнинг етакчилари ҳамда партизанлар ҳаракати натижасида немис-фашистлар армиясига етказилган зарарлар далил-исботлар орқали баён қилиб, мавзунинг долзарблигини очиб бериш мумкин. Партизан (французча *partisan* – *партизани*) – душман босиб олган территорияларда ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашувчи киши; партизанлик ҳаракатининг қатнашчиси. Партизанлар, одатда, партизанлик ҳаракатига кўнгилли бўлиб қўшилади.⁶

Партизанлик ҳаракати - оккупация қилинган территорияларда чет эл босқинчиларига, граждандар ва миллий озодлик урушларида эса ички контрреволюцион кучларга қарши халқ оммаси олиб борадиган қуролли кураш шакли. Миллий озодлик учун олиб борилаётган партизанлик ҳаракати чет эл босқинчилари ва уларнинг малайларига қаратилади. Кўпинча революцион халқ оммасининг эксплуататорлар синфи ҳукмронлигини йўқотиш учун олиб борадиган граждандар уруши ҳам партизанлик ҳаракати шаклида бўлади.

Тарихий тажрибалар партизанлик ҳаракати бутун армиянинг ҳаракатини қамраб олиши мумкинлигини кўрсатади. Баъзи ҳолларда мунтазам қўшниларининг операцияларни партизанлар курашини ўз ичига олади. Партизанлик ҳаракатининг характерли хусусиятлари ватанпарварлик, босқинчиларга нисбатан ғазаб ва нафрат, бу ҳаракатда

⁵ Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.: Ўзбекистон. 2011. - 88 бет.

⁶ Бекмуҳамедов Х.Ю. Тарих терминлари изоҳли луғати. - Т.: Ўқитувчи. 1978.

катнашаётган кишилар (партизанлар)нинг кўнгилли эканликларидир. Партизанлик ҳаракатининг ҳаракатга келтирувчи кучлари тарихий шароит ҳамда курашнинг мақсад ва вазифаларига боғлиқ. Партизанлик ҳаракати одатда, кенг халқ фронти асосида, бирмунча прогрессив ижтимоий синф раҳбарлигида олиб борилади. Чет эл босқинчиларига қарши курашга қаратилган партизанлик ҳаракатининг оккупация қилинган мамлакат ҳукумати билан ўзаро муносабатлари ҳар хил кўринишда бўлади. Агар босиб олинган мамлакатнинг ҳукумати босқинчиларга хизмат қилувчи органга айланса, халқ оммасининг миллий озодлик ҳаракати бундай ҳукуматга қарши курашни ҳам ўз ичига олади. Агар ҳукумат босқинчилар билан келишмай, уларга қарши курашса-ю, лекин халқ оммасининг кучли ҳаракатга келишидан қўрқиб, уни пассивликка ва нажот кутишга чақирса (масалан, бу ҳол Иккинчи жаҳон уруши йилларида Франция ҳукуматининг сиёсатида яққол кузатилди), бундай шароитда ҳукумат билан халқ оммаси ўртасида кескин зиддият вужудга келади. Ҳукуматнинг сиёсатидан қатъи назар партизанлик ҳаракати, кенг авж олади (масалан, Францияда Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатининг вужудга келиши). Агар ҳукумат халқ оммаси билан биргаликда босқинчиларга қарши курашса, партизанлик ҳаракати билан мунтазам армиянинг ҳаракатлари бир мақсадга қаратилади. Ҳукумат кучлари билан халқ оммасининг бирлашиши, аввало, шу мамлакатнинг синфий характериға боғлиқ. Партизанлик ҳаракатининг энг муҳим аҳамияти шундаки, у душман кўшинларига жиддий зарба беради ва душманнинг фронт орқасидаги таъминот фаолиятини бузади, босқинчилар армиясининг кайфиятига путур етказади, улар учун ниҳоятда оғир вазиятни вужудга келтиради. Шу билан бирга партизанлик ҳаракати душман устидан эришиладиган пировард ғалабага омманинг ишончини мустаҳкамлайди, уни босқинчиларнинг ҳарбий маъмурлари ва маъмурияти кўрадиган барча тадбирларни пучга чиқариш учун фаол курашга жалб этади.

Партизанлик ҳаракати жуда қадим замонларда пайдо бўлган. Ўрта Осиё халқларининг милоддан аввалги 4-асрда Александр Македонский армиясига қарши олиб борган кураши партизанлик ҳаракатининг дастлабки кўринишларидан биридир. Спитамен бошчилигидаги халқ қасоскорлари она юртни ажнабий босқинчилардан озод қилиш учун қаҳрамонона кураш олиб борган. Ўрта Осиёда араблар истилоси даврида ҳам партизанлик ҳаракати кенг ёйилди. Муқанна бошчилигидаги халқ кўзғолонлари партизанлик ҳаракати характерида эди. Мўғуллар истилоси даврида (13-15-аср) ҳам халқ оммаси босқинчиларга қарши партизанлик ҳаракатини авж олдирди. Россияда ҳам партизанлик ҳаракати мўғул-татар истилоси давридан маълум. Феодализм даврида бўлиб ўтган деҳқонлар кўзғолонлари (Россияда И.Болотников, С.Разин, Е.Пугачёв бошчилигидаги кўзғолонлар;

Германияда 1524-1525 йиллардаги дехқонлар уруши; Австрияда 1626 йилги дехқонлар уруши)да ҳам курашнинг партизанлик ҳаракати формасидан кенг фойдаланилди.

Партизанлик ҳаракати Россия халқларининг Наполеон бошчилигидаги француз босқинчиларига қарши олиб борган Ватан уруши (1812)да катта роль ўйнади. Душман босиб олган территорияда юзлаб партизан отрядлари тузилди. Партизанлик ҳаракатида фақат дехқонлар оммаси эмас, балки М.И.Кутузов томонидан ажратилган армия партизанлари ҳам қатнашди.

Иккинчи жаҳон уруши давридаги партизанлик ҳаракати СССРнинг немис-фашист босқинчилар томонидан вақтинча оккупация қилинган территориясида Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган умумхалқ курашига айланди. Уруш даврида душман ичкарасида 1 млн. дан ортиқ партизан ва кўп минг кишилик яширин ташкилотлар ҳаракат қилди. Уларни ўн миллионлаб ватанпарварлар қўллаб-қувватлади. Совет партизанлари томонидан 1 миллионга яқин фашист ва уларнинг қўмакчилари янчиб ташланди ва асир олинди. 4 мингдан ортиқ танк ва бронемашина, 1600 дан кўпроқ темир йўл кўприклари ишдан чиқарилди, 20 мингдан ортиқ темир йўл эшелонлари ҳалокатга учратилди. 1941 йил 29 июнда СССР Халқ Комиссарлари Совети ВКП(б) МК жойлардаги партия ва совет ташкилотларига душманни тор-мор келтириш ҳақидаги директивани жўнатди. Директивада кўрсатилишича, урушда совет халқининг умумий вазифаси билан бирга партизанлик ҳаракатини кенг авж олдириш программаси ишлаб чиқилганди. 1941 йил 18 июлда ВКП(б) МК «Германия қўшинларининг орқасида курашни ташкил қилиш ҳақида» махсус қарор қабул қилди. Бу қарорда подполье ишлари ва партизанлик ҳаракатини республика, вилоят, шаҳар ва район партия ташкилотларининг раҳбарлари бошқариши кераклиги кўрсатилди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг душманга қарши умумхалқ курашига отланишга чақириб қилган мурожаатига жавобан оккупация қилинган территорияларда партизан отрядлари тузила бошлади. 1941 йилнинг кузида 10 вилоят комитети, 260 дан ортиқ округ, шаҳар ва район комитетлари яширин ташкилотлари иш бошлади. 1943 йил кузига келиб 24 вилоят, 370 дан ортиқ округ, шаҳар, район ва бошқа органларнинг комитетлари душман орқасида кураш олиб борди. Белоруссия ва Ленинград, Калинин, Смоленск Орёл вилоятларининг ўрмонли районларида партизанлар қўл остидаги зоналар, ўлкалар ҳосил бўлди. Брянск ўрмонларида орёллик, брянслик партизанларнинг асосий кучлари ва С.А.Ковпак, А.Ф.Фёдоров, А.Н.Сабуров ва бошқалар қўл остидаги Украина партизанларининг йирик қўшилмалари ўрнашган эди.

1941 йилнинг охири ва 1942 йилнинг бошларида Минск, Смоленск, Киев, Одесса, Днепропетровск, Каунас, Краснодар, Людинов ва бошқа ерларда яширин партия ва комсомол ташкилотларининг фаолияти бошланди. Партизанлик ҳаракатини совет кўшинлари ҳаракати билан мослаштириш мақсадида 1942 йил 30 майда Давлат Мудофаа Комитети Олий Бош қўмондонлик ставкаси қошида партизанлик ҳаракати Марказий штаби тузилди ва штаб бошлиғи этиб П.К.Пономаренко тайинланди.⁷

1942 йилнинг ёзида партизанлик ҳаракати штаблари ҳисобида турган партизан отрядларининг 30%и «Катта ер» билан радиоалоқа қилиб турган бўлса, 1943 йилнинг ноябрига келиб 94% отряд партизанлик ҳаракати раҳбар органлари билан радиоалоқада бўлган. 1943 йилда фақат узокка учувчи авиация ва граждан ҳаво флоти томонидан душман орқасига 12 мингдан ортиқ самолёт учган (шундан ярми партизанларнинг аэродром ва майдонларига қўнган). Уруш йилларида мамлакат ичкарасидаги партизанлик мактаблари ва ўқув пунктларида 30 мингга яқин командирлар ва мутахассислар тайёрланди.⁸

Иккинчи жаҳон урушининг учинчи даври (1942 йил ноябрь - 1943 йил декабрь)да партизанлик ҳаракати янада авж олди. 1943 йилга келиб, Белоруссиянинг 60 дан зиёд жойида партизанлар актив ҳаракат олиб бордилар. Курск жанги давомида ва совет кўшинларининг кейинги хужум операциялари вақтида партизанлар «рельс уруши»ни кучайтирдилар.⁹ Душман оккупация қилган территориялардаги темир йўл коммуникацияларига йирик кучларини сафарбар этишга мажбур бўлди. Уруш тажрибасининг кўрсатишича гитлерчилар ҳар 100 км темир йўлни қўриқлашда бўш ҳимоя учун 1 батальон, кучли ҳимоя учун 1 полк, баъзида эса партизанларнинг фаол ҳаракати натижасида ҳар 100 км темир йўлга 2 полкни сафарбар этишга мажбур бўлганлар.

1944 йил партизанлик ҳаракати Белоруссия ва РСФСРнинг қатор областларида, айниқса, кескинлашди. Партизанлар душман коммуникацияларига хужум қилиб, Германияга жўнатилаётган моддий ва маданий бойликларни олиб қолиш, асирларни қутқариш ишларини авж олдирдилар. Озод қилинган территориялардаги партизанлар мунтазам армияга қўшилиб жанг қилдилар. Брянск, Вильнюс, Витебск, Ворошиловград, Гомель, Днепропетровск, Жлобин, Каунас, Керчь, Киев, Кировоград, Краснодар, Львов, Мипск, Могилев, Николаев, Новороссийск, Одесса, Псков,

⁷ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Пономаренко,_Пантелеймон_Кондратьевич&oldid

⁸ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Советские_партизаны_в_Великой_Отечественной_войне&oldid

⁹ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Операция_«Рельсовая_война»&oldid

Симферополь, Смоленск, Таганрог, Харьков ва бошқа бир канча шаҳарларнинг яширин ташкилотлари муваффақиятли иш олиб бордилар.

Доимий қўшинлар жанговар топшириқларни амалга оширишида партизанларнинг рейдлари катта аҳамиятга эга бўлди. 1942 йил октябрнинг охирида С.А.Ковпак ва А.Н.Сабуров кумондонлигидаги партизанлар Брянск ўрмонларидан рейд уюштириб, ноябрнинг ўрталарига келиб ўнг қирғоқ Украинагача бўлган 700 кмли масофани босиб ўтдилар. 1942-1943 йилларнинг қишида С.А.Ковпак, Я.И.Мельник, М.И.Наумов ва А.Ф.Фёдоровлар кўмондонлигидаги рейдлар душманга кучли зарба берди. Қизил Армиянинг 1941-1942 йилги қишки ҳужуми даврида партизанларнинг доимий қўшинлар билан биргаликда олиб борган ҳаракати кенгайди. Партизанлар душман коммуникациялари штаб ва омборхоналарига кучли зарбалар бериш билан бирга, аҳоли пунктларини душмандан озод этишда, душман объектларига совет авиацияларини бошқаришда яқиндан ёрдам кўрсатдилар. 1942 йилнинг ёзида партизанлик ҳаракати душманнинг 24 дивизиясини чалғитди. Партизанлар томонидан шу йили августда 148 та, сентябрда 152, октябрда 210, ноябрда 238 темир йўл эшелонлари ҳалокатга учратилди.¹⁰

1944 йил июнь ўрталарида Белоруссия территориясида 150 бригада ва 49 отряд составида 143 минг кишидан ошiq (резервдаги 250 минг кишини ҳисобга олмаганда) партизанлик группировкалари душманга қарши кураш олиб борган. Партизанлар 20 июнь кечаси душманнинг муҳим темир йўл коммуникацияларига оммавий ҳужум уюштириб, 40 мингдан ортиқ рельсини портлатдилар. Улар совет қўшинларига Березина, Случь, Птичь, Неман ва бошқа кўпгина дарёларни кечиб ўтишда катта ёрдам кўрсатдилар. Белоруссия операциясида партизанлар томонидан душманнинг 15 мингдан ортиқ солдат ва офицери янчиб ташланди, 17 мингдан ортиқ солдат ва офицери асир олинди.

Иккинчи жаҳон урушида 185 минг партизан СССРнинг ордени ва медаллари билан мукофотланган, 230 дан ортиқ киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Партизанлик ҳаракати интернационал характер касб этди. Совет партизанлари билан биргаликда умумий душманга қарши кўпгина ажнабий антифашистлар кураш олиб бордилар. Улардан чехословак ватанпарвари Ян Налепка ва немис антифашисти Фриц Шменкеллар ўлимидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишди. Кўпгина совет партизан отрядлари Шарқий ва Жануби-Шарқий Европа халқларига ёрдам

¹⁰ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Операция_«Рельсовая_война»&oldid

берди. Бу отрядларга Х.Н.Асмолов, В.А.Карасев, П.А.Величка В.Квитинский ва бошқа кўпгина талантли партизанлар бошчилик қилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги партизанлик ҳаракатида СССРда яшайдиган барча халқларнинг фарзандлари, жумладан ўзбек халқининг фарзандлари қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Масалан, фарғоналик Мамадали Топиболдиев Белоруссияда, сайрамлик Зиямат Ҳусанов (Совет Иттифоқи Қаҳрамони) Болгарияда бу ишда шухрат қозонди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида немис ва япон босқинчилари томонидан оккупация қилинган Европа ва Осиё мамлакатларидаги территорияларда ҳам партизанлик ҳаракати вужудга келди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Биз ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олган мавзу, яъни иккинчи жаҳон урушидаги партизанлик ҳаракати тарихига кўплаб тарихчилар томонидан ҳам жуда кўплаб мурожаат қилинганлиги маълум.¹¹ Масалан, тарихчи-олимларнинг айнан шу давр тарихи билан шуғулланганлигини мен интернет тармоғидаги мавзуга доир сайтлардан билиб олдим ва битирув малакавий ишимни тайёрлаш жараёнида ўша сайтлардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилдим.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Ҳар бир инсон бирон бир ишга киришса, инсон ўша олиб борётган ишига нисбатан ўз олдига мақсад ва вазифалар қўйиб олади. Жумладан, мени ҳарбий тарихга қизиқишим туфайли иккинчи жаҳон урушидаги партизанлик ҳаракати бошланиши тарихини ва ўша даврдаги уруш кетаётган ерларда, мамлакат ичида олиб борган озодлик учун кураши, мунтазам армия билан доимо алоқада бўлганлиги ва бошқарилганлиги, Ватан озодлиги йўлида амалга оширган ишларини имкон қадар ўрганишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Ишнинг хронологияси. Битирув малакавий ишининг хронологик даври 1939-1945 йиллардан иборатдир. Бунга сабаб айнан 1939 йилдан иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди ва 1945 йилда эса уруш тугайди. Иккинчи жаҳон уруши давридаги

¹¹ Брайко П.Е., Калинин О.С. Внимание, Ковпак! - М., 1975, Вершигора П. П. Люди с чистой совестью. - М., Советский писатель, 1955, Всемирная история в 12-ти томах М.. Политиздат. 1960, Герои Советского Союза. Краткий биографический словарь. Т.1. - М., 1987, Дважды Герои Советского Союза. - М.: Воениздат, 1973, За мужество и отвагу. Харьков, 1984 Ковпак С.А. От Путивля до Карпат. М., 1949, Ковпак С.А. Из дневника партизанских походов. М., 1964, Люди бессмертного подвига. Книга 1. М., 1975, Люди легенд. Выпуск 5. М., 1974, Партизанское движение в Великой Отечественной войне // Советская военная энциклопедия. / ред. Н. В. Огарков. том 6. М., Воениздат, 1978. , Пятницкий В. И. За линией Советско-германского фронта. // Новая и Новейшая история, № 3, 2005 год, Рельсовая война // Великая Отечественная война 1941 — 1945. Энциклопедия / под ред. М. М. Козлова. — М.: Советская энциклопедия, 1985. , Рельсовая война // Железнодорожный транспорт: Энциклопедия / Гл. ред. Н. С. Конарев. — М.: Большая Российская энциклопедия, 1994, Семиряга М.И. Тюремная империя нацизма и её крах. — М.: Юридическая литература. 1991, Соколов Б. В. Оккупация. Правда и мифы. — М.: АСТ-ПРЕСС КНИГА, 2002 ва бошқалар

партизанлик ҳаракати СССРнинг немис-фашист босқинчилар томонидан вақтинча оккупация қилинган территориясида Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган умумхалқ курашига айланди. Уруш даврида душман ичкарасида 1 миллион дан ортиқ партизан ва кўп минг кишилик яширин ташкилотлар ҳаракат қилди. Уларни ўн миллионлаб ватанпарварлар қўллаб-қувватлади.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ташкил қилади. Мазкур тадқиқот иши 1939 йилдан 1945 йилгача бўлган даврни ўз ичига олганлиги сабабли асосий эътибор ўша даврга оид нашрдан чиққан адабиётлар, мақолалар, илмий ишлар ва шу кабиларга қаратилган.¹²

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Биз ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олган мавзу, яъни “Иккинчи жаҳон урушидаги партизанлик ҳаракати тарихидан” мавзусига кўплаб тарихчилар томонидан жуда кўплаб мурожаат қилинганлиги маълум. Ушбу битирув малакавий ишимизни тайёрлаш жараёнида, биз кўпроқ манбаларга, хрестоматик асарларга ва Интернет сайтларидан олинган маълумотларга таянган ҳолда воқеа-ҳодисаларни қиёсий таҳлил асосида ёритишга ҳаракат қилдик.

Ишнинг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундаки, жаҳон тарихидаги бу қисқа давр тарихи, ундаги рўй берган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, турли хил назарияларнинг вужудга келишини, уларнинг сабаб ва моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш орқали тарих янги-янги маълумотлар олиб келади. Битирув малакавий ишининг натижасига кўра, баён этилган фактик материаллар ва илмий хулосалардан Тарих ва ижтимоий фанлар факультети “Тарих” таълим йўналиши 4-курс талабалари учун ўтиладиган “Жаҳон

¹² Всемирная история в 12-ти томах М.. Политиздат. 1960., История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). Под ред. Проф. Е.Ф.Язькова, М., 1969., История стран Азии и Африки в новейшее время. М., Наука. 1976., Новейшая история стран зарубежного Востока. М., Восточная литература. 1957., Новейшая история стран зарубежной Азии и Африки. Л., Наука, 1983. Брайко П.Е., Калинин О.С. Внимание, Ковпак! - М., 1975, Вершигора П. П. Люди с чистой совестью. - М., Советский писатель, 1955, Всемирная история в 12-ти томах М.. Политиздат. 1960, Герои Советского Союза. Краткий биографический словарь. Т.1. - М., 1987, Дважды Герои Советского Союза. - М.: Воениздат, 1973, За мужество и отвагу. Харьков, 1984 Ковпак С.А. От Путивля до Карпат. М., 1949, Ковпак С.А. Из дневника партизанских походов. М., 1964, Люди бессмертного подвига. Книга 1. М., 1975, Люди легенд. Выпуск 5. М., 1974, Партизанское движение в Великой Отечественной войне // Советская военная энциклопедия. / ред. Н. В. Огарков. том 6. М., Воениздат, 1978. , Пятницкий В. И. За линией Советско-германского фронта. // Новая и Новейшая история, № 3, 2005 год, Рельсовая война // Великая Отечественная война 1941 — 1945. Энциклопедия / под ред. М. М. Козлова. — М.: Советская энциклопедия, 1985. , Рельсовая война // Железнодорожный транспорт: Энциклопедия / Гл. ред. Н. С. Конарев. — М.: Большая Российская энциклопедия, 1994, Семиряга М.И. Тюремная империя нацизма и её крах — М.; Юридическая литература. 1991, Соколов Б. В. Оккупация. Правда и мифы. — М.: АСТ-ПРЕСС КНИГА, 2002 ва бошқалар

тарихи (Энг янги тарих)” фанидан маъруза ва семинар машғулотида, талабаларнинг мустақил ва курс ишларини тайёрлашларида, тўғарак ишларини олиб боришда манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Ушбу битирув малакавий иши ташкилий тузилиш жиҳатидан кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Битирув малакавий ишининг умумий ҳажми электрон вариантда иловалардан ташқари 80 бетни ташкил этади.

1.БОБ. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ПАРТИЗАНЛАР ҲАРАКАТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА БУ ҲАРАКАТНИНГ ЙИРИК АРБОБЛАРИ

1941 йил 22 июнда эрта тонгда Гитлер Германияси хиёнаткорона равишда СССРга ҳужум бошлади. Германия билан бирга Италия, Руминия, Венгрия, Финляндия ва Словакия ҳам СССРга қарши уруш бошладилар. Германия ва унинг иттифоқчилари ўз

қуrolли кучларининг 65-70 %ни СССРга қарши қўйдилар. Германия ўзининг ўша вақтдаги 214 дивизияси ва 7 бригадасидан 152 дивизияси ва 2 бригадасини, яъни 5,5 миллионга, яқин солдат ва офицерини, иттифокчилари 38 дивизияни ҳаммаси бўлиб 190 дивизияни, танк ва механизациялашган 35 дивизияни (3,5 минг танкни) 5000 га яқин самолётни, 50 мингдан ортиқ тўп ва миномётни СССРга қарши ташладилар. Фашист Испанияси «Зангори дивизияси» билан, Виши ҳукумати «Қўнгиллилар Легиони» билан СССРга қарши урушда иштирок етди. Подшо Болгарияси Германияга ёрдам кўрсатиб турди. Бир қатор бетараф мамлакатлар-Швеция, Швейцария, Туркия, Португалия гитлерчиларга ҳарбий-стратегик материаллар билан ёрдам бериб турдилар. Душмanning уруш тажрибасига ва энг замонавий қуrollарга эга бўлган «Норвегия», «Шимол», «Марказ» ва «Жануб» номли группировкалари уч асосий йўналишда ҳужум бошладилар. 15 кун ичида душман 400 км ичкарига кирди. Бутун мамлакат ҳарбий легарга айланди.

Фашист босқинчиларига қарши кураш бутун мамлакат бўйлаб турли кўринишда бошланиб кетди. Ватан ҳимояси йўлида партизанлик ҳаракати умумҳалқ ҳаракатига айланди.

Партизан отрядларига қўнгилли бўлиб ёзилиш кенг қулоч ёйди. Душман орқасида қолиб кетган Қизил Армия қисмлари ҳам партизан отрядларига келиб қўшилдилар. 1941 йилнинг 18 июлида ҳукумат қарори эълон қилиниб унда душман қўшинлари орқасида курашни ташкил этиш кўрсатилди.

Партизан отрядлари Украина, Белоруссия, РСФСР ғарбий областларида ташкил этилди. Душман қўл остида қолган катта ҳудудларда область, район раҳбарлари бошчилигида партизан отрядлари ташкил этилди.

Партизанлик ҳаракати — оккупация қилинган территорияларда чет эл босқинчиларига, граждaнлар ва миллий озодлик урушларида эса ички контрреволюцион кучларга қарши халқ оммаси олиб борадиган қуrolли кураш шакли. Миллий озодлик учун олиб борилаётган партизанлик ҳаракати чет эл босқинчилари ва уларнинг малайларига қаратилади. Кўпинча революцион халқ оммасининг эксплуататорлар синфи ҳукмронлигини йўқотиш учун олиб борадиган граждaнлар уруши ҳам партизанлик ҳаракати шаклида бўлади.

Тарихий тажрибалар партизанлик ҳаракати бутун армиянинг ҳаракатини қамраб олиши мумкинлигини кўрсатади. Баъзи ҳолларда мунтазам қўшниларнинг операцияларн партизанлар курашини ўз ичига олади. Партизанлик ҳаракатининг характерли хусусиятлари ватанпарварлик, босқинчиларга нисбатан ғзаб ва нафрат, бу ҳаракатда қатнашаётган кишилар (партизанлар)нинг қўнгилли эканликларидир. Партизанлик

ҳаракатининг ҳаракатга келтирувчи кучлари тарихий шароит ҳамда курашнинг мақсад ва вазифаларига боғлиқ. Партизанлик ҳаракати одатда, кенг халқ фронти асосида, бирмунча прогрессив ижтимоий синф раҳбарлигида олиб борилади. Чет эл босқинчиларига қарши курашга қаратилган партизанлик ҳаракатининг оккупация қилинган мамлакат ҳукумати билан ўзаро муносабатлари ҳар хил кўринишда бўлади. Агар босиб олинган мамлакатнинг ҳукумати босқинчиларга хизмат қилувчи органга айланса, халқ оммасининг миллий озодлик ҳаракати бундай ҳукуматга қарши курашни ҳам ўз ичига олади. Агар ҳукумат босқинчилар билан келишмай, уларга қарши курашса-ю, лекин халқ оммасининг кучли ҳаракатга келишидан қўрқиб, уни пассивликка ва нажот кутишга чақирса (масалан, бу ҳол Иккинчи жаҳон уруши йилларида Франция ҳукуматининг сиёсатида яққол кузатилди), бундай шароитда ҳукумат билан халқ оммаси ўртасида кескин зиддият вужудга келади. Ҳукуматнинг сиёсатидан қатъи назар партизанлик ҳаракати, кенг авж олади (масалан, Францияда Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатининг вужудга келиши). Агар ҳукумат халқ оммаси билан биргаликда босқинчиларга қарши курашса, партизанлик ҳаракати билан мунтазам армиянинг ҳаракатлари бир мақсадга қаратилади. Ҳукумат кучлари билан халқ оммасининг бирлашиши, аввало, шу мамлакатнинг синфий характериға боғлиқ. Партизанлик ҳаракатининг энг муҳим аҳамияти шундаки, у душман қўшинларига жиддий зарба беради ва душманнинг фронт орқасидаги таъминот фаолиятини бузади, босқинчилар армиясининг кайфиятига путур етказади, улар учун ниҳоятда оғир вазиятни вужудга келтиради. Шу билан бирга партизанлик ҳаракати душман устидан эришиладиган пировард ғалабага омманинг ишончини мустаҳкамлайди, уни босқинчиларнинг ҳарбий маъмурлари ва маъмурияти кўрадиган барча тадбирларни пучга чиқариш учун фаол курашга жалб этади.

Партизанлик ҳаракати жуда қадим замонларда пайдо бўлган. Ўрта Осиё халқларининг милoddан аввалги 4-асрда Александр Македонский армиясига қарши олиб борган кураши партизанлик ҳаракатининг дастлабки кўринишларидан биридир. Спитамен бошчилигидаги халқ қасоскорлари она юртни ажнабий босқинчилардан озод қилиш учун қаҳрамонона кураш олиб борган. Ўрта Осиёда араблар истилоси даврида ҳам партизанлик ҳаракати кенг ёйилди. Муқанна бошчилигидаги халқ қўзғолонлари партизанлик ҳаракати характерида эди. Мўғуллар истилоси даврида (13-15-аср) ҳам халқ оммаси босқинчиларга қарши партизанлик ҳаракатини авж олдирди. Россияда ҳам партизанлик ҳаракати мўғул-татар истилоси давридан маълум. Феодализм даврида бўлиб ўтган деҳқонлар қўзғолонлари (Россияда И.Болотников, С.Разин, Е.Пугачёв бошчилигидаги қўзғолонлар;

Германияда 1524-1525 йиллардаги дехқонлар уруши; Австрияда 1626 йилги дехқонлар уруши)да ҳам курашнинг партизанлик ҳаракати формасидан кенг фойдаланилди.

Партизанлик ҳаракати Россия халқларининг Наполеон бошчилигидаги француз босқинчиларига қарши олиб борган Ватан уруши (1812)да катта роль ўйнади. Душман босиб олган территорияда юзлаб партизан отрядлари тузилди. Партизанлик ҳаракатида фақат дехқонлар оммаси эмас, балки М.И.Кутузов томонидан ажратилган армия партизанлари ҳам қатнашди.

Иккинчи жаҳон уруши давридаги партизанлик ҳаракати СССРнинг немис-фашист босқинчилар томонидан вақтинча оккупация қилинган территориясида Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган умумхалқ курашига айланди. Уруш даврида душман ичкарасида 1 млн. дан ортиқ партизан ва кўп минг кишилик яширин ташкилотлар ҳаракат қилди. Уларни ўн миллионлаб ватанпарварлар қўллаб-қувватлади. Совет партизанлари томонидан 1 миллионга яқин фашист ва уларнинг қўмакчилари янчиб ташланди ва асир олинди. 4 мингдан ортиқ танк ва бронемашина, 1600 дан кўпроқ темир йўл кўприклари ишдан чиқарилди, 20 мингдан ортиқ темир йўл эшелонлари ҳалокатга учратилди. 1941 йил 29 июнда СССР Халқ Комиссарлари Совети ВКП(б) МК жойлардаги партия ва совет ташкилотларига душманни тор-мор келтириш ҳақидаги директивани жўнатди. Директивада кўрсатилишича, урушда совет халқининг умумий вазифаси билан бирга партизанлик ҳаракатини кенг авж олдириш программаси ишлаб чиқилганди. 1941 йил 18 июлда ВКП(б) МК «Германия қўшинларининг орқасида курашни ташкил қилиш ҳақида» махсус қарор қабул қилди. Бу қарорда подполье ишлари ва партизанлик ҳаракатини республика, вилоят, шаҳар ва район партия ташкилотларининг раҳбарлари бошқариши кераклиги кўрсатилди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг душманга қарши умумхалқ курашига отланишга чақириб қилган мурожаатига жавобан оккупация қилинган территорияларда партизан отрядлари тузила бошлади. 1941 йилнинг кузида 10 вилоят комитети, 260 дан ортиқ округ, шаҳар ва район комитетлари яширин ташкилотлари иш бошлади. 1943 йил кузига келиб 24 вилоят, 370 дан ортиқ округ, шаҳар, район ва бошқа органларнинг комитетлари душман орқасида кураш олиб борди. Белоруссия ва Ленинград, Калинин, Смоленск Орёл вилоятларининг ўрмонли районларида партизанлар қўл остидаги зоналар, ўлкалар ҳосил бўлди. Брянск ўрмонларида орёллик, брянслик партизанларнинг асосий кучлари ва С.А.Ковпак, А.Ф.Фёдоров, А.Н.Сабуров ва бошқалар қўл остидаги Украина партизанларининг йирик қўшилмалари ўрнашган эди.

1941 йилнинг охири ва 1942 йилнинг бошларида Минск, Смоленск, Киев, Одесса, Днепропетровск, Каунас, Краснодар, Людинов ва бошқа ерларда яширин партия ва комсомол ташкилотларининг фаолияти бошланди. Партизанлик ҳаракатини совет кўшинлари ҳаракати билан мослаштириш мақсадида 1942 йил 30 майда Давлат Мудофаа Комитети Олий Бош қўмондонлик ставкаси қошида партизанлик ҳаракати Марказий штаби тузилди ва штаб бошлиғи этиб П.К.Пономаренко тайинланди.¹³

1942 йилнинг ёзида партизанлик ҳаракати штаблари ҳисобида турган партизан отрядларининг 30%и «Катта ер» билан радиоалоқа қилиб турган бўлса, 1943 йилнинг ноябрига келиб 94% отряд партизанлик ҳаракати раҳбар органлари билан радиоалоқада бўлган. 1943 йилда фақат узокка учувчи авиация ва граждан ҳаво флоти томонидан душман орқасига 12 мингдан ортиқ самолёт учган (шундан ярми партизанларнинг аэродром ва майдонларига қўнган). Уруш йилларида мамлакат ичкарасидаги партизанлик мактаблари ва ўқув пунктларида 30 мингга яқин командирлар ва мутахассислар тайёрланди.¹⁴

Иккинчи жаҳон урушининг учинчи даври (1942 йил ноябрь - 1943 йил декабрь)да партизанлик ҳаракати янада авж олди. 1943 йилга келиб, Белоруссиянинг 60 дан зиёд жойида партизанлар актив ҳаракат олиб бордилар. Курск жанги давомида ва совет кўшинларининг кейинги хужум операциялари вақтида партизанлар «фелъс уруши»ни кучайтирдилар.¹⁵ Душман оккупация қилган территориялардаги темир йўл коммуникацияларига йирик кучларини сафарбар этишга мажбур бўлди. Уруш тажрибасининг кўрсатишича гитлерчилар ҳар 100 км темир йўлни қўриқлашда бўш ҳимоя учун 1 батальон, кучли ҳимоя учун 1 полк, баъзида эса партизанларнинг фаол ҳаракати натижасида ҳар 100 км темир йўлга 2 полкни сафарбар этишга мажбур бўлганлар.

1944 йил партизанлик ҳаракати Белоруссия ва РСФСРнинг қатор областларида, айниқса, кескинлашди. Партизанлар душман коммуникацияларига хужум қилиб, Германияга жўнатилаётган моддий ва маданий бойликларни олиб қолиш, асирларни қутқариш ишларини авж олдирдилар. Озод қилинган территориялардаги партизанлар мунтазам армияга қўшилиб жанг қилдилар. Брянск, Вильнюс, Витебск, Ворошиловград, Гомель, Днепропетровск, Жлобин, Каунас, Керчь, Киев, Кировоград, Краснодар, Львов, Мипск, Могилев, Николаев, Новороссийск, Одесса, Псков,

¹³ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Пономаренко,_Пантелеймон_Кондратьевич&oldid

¹⁴ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Советские_партизаны_в_Великой_Отечественной_войне&oldid

¹⁵ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Операция_«Рельсовая_война»&oldid

Симферополь, Смоленск, Таганрог, Харьков ва бошқа бир канча шаҳарларнинг яширин ташкилотлари муваффақиятли иш олиб бордилар.¹⁶

Доимий қўшинлар жанговар топшириқларни амалга оширишида партизанларнинг рейдлари катта аҳамиятга эга бўлди. 1942 йил октябрнинг охирида С.А.Ковпак ва А.Н.Сабуров кумондонлигидаги партизанлар Брянск ўрмонларидан рейд уюштириб, ноябрнинг ўрталарига келиб ўнг қирғоқ Украинагача бўлган 700 кмли масофани босиб ўтдилар. 1942-1943 йилларнинг қишида С.А.Ковпак, Я.И.Мельник, М.И.Наумов ва А.Ф.Фёдоровлар кўмондонлигидаги рейдлар душманга кучли зарба берди. Қизил Армиянинг 1941-1942 йилги қишки ҳужуми даврида партизанларнинг доимий қўшинлар билан биргаликда олиб борган ҳаракати кенгайди. Партизанлар душман коммуникациялари штаб ва омборхоналарига кучли зарбалар бериш билан бирга, аҳоли пунктларини душмандан озод этишда, душман объектларига совет авиацияларини бошқаришда яқиндан ёрдам кўрсатдилар. 1942 йилнинг ёзида партизанлик ҳаракати душманнинг 24 дивизиясини чалғитди. Партизанлар томонидан шу йили августда 148 та, сентябрда 152, октябрда 210, ноябрда 238 темир йўл эшелонлари ҳалокатга учратилди.¹⁷

1944 йил июнь ўрталарида Белоруссия территориясида 150 бригада ва 49 отряд составида 143 минг кишидан ошiq (резервдаги 250 минг кишини ҳисобга олмаганда) партизанлик группировкалари душманга қарши кураш олиб борган. Партизанлар 20 июнь кечаси душманнинг муҳим темир йўл коммуникацияларига оммавий ҳужум уюштириб, 40 мингдан ортиқ рельсини портлатдилар. Улар совет қўшинларига Березина, Случь, Птичь, Неман ва бошқа кўпгина дарёларни кечиб ўтишда катта ёрдам кўрсатдилар. Белоруссия операциясида партизанлар томонидан душманнинг 15 мингдан ортиқ солдат ва офицери янчиб ташланди, 17 мингдан ортиқ солдат ва офицери асир олинди.¹⁸

Барчамизга маълумки, энг биринчи партизан отрядларидан Украинадаги Путивль шаҳри кенгаши раиси Сидор Артемьевич Ковпак бошчилигидаги отряд бўлди.¹⁹

Ковпак Сидор Артемьевич 1887 йилнинг 26 майида Полтавада, Котельва қишлоғида туғилган. Оиласи жуда камбағал деҳқон оиласи эди. Оила кўп фарзандли бўлиб ўғилларнинг ўзи олтита эди. У ҳарбий хизматни Саратов губерниясида Алесандр полкида ўтади. Ҳарбий хизматдан кейин Саратовда юк ташувчи бўлиб ишлади. Биринчи жаҳон урушида 186-Асландуз полкида иштирок этди. Жануби-ғарбий фронтдаги маълум

¹⁶ Партизанское движение в Великой Отечественной войне // Советская военная энциклопедия. / ред. Н. В. Огарков. том 6. - М.: Воениздат, 1978. – С.75.

¹⁷ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Операция_«Рельсовая_война»&oldid

¹⁸ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Советские_партизаны_в_Великой_Отечественной_войне&oldid

¹⁹ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Ковпак,_Сидор_Артемьевич&oldid

“Брусиловский прорыв” операциясида ишпирок этган. 1915 йилнинг апрелида шахсан подшо Николай II нинг ўзи уни Георгий крести билан мукофотлаган. Кейинчалик у Георгий крестининг “жасурлиги учун” деб номланган III ва IV даражалари билан ҳам мукофотланган.²⁰

У 1918 йилдаёқ биринчи партизан отрядини Украинани Германия босиб олган пайтдаёқ ташкил этган эди. С.А.Ковпак Пархаменко отряди сафида Деникинга қарши курашди. Кейинчалик афсонавий 25-Чапаев дивизияси сафида ишпирок этди. У Врангелга, Махнога қарши жанглар ишпирокчиси эди.

1921-1926 йилларда Павлоград уездиди военком ёрдамчиси, военком бўлиб ишлаган.

1926 йилдан Днепропетровск областида военком бўлган. Бу вазифага қўшимча равишда Вербки қишлоғида қишлоқ хўжалик артелини ҳам бошқарган. Кейинчалик Путивлда райижроком раиси лавозимида ишлаган.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида у Украина Суми областидаги Путивль шаҳар ижроия раиси лавозимида ишлаётган эди.

С.А.Ковпакнинг иккинчи жаҳон урушидаги партизанлик фаолияти 1941 йилнинг августидан бошланди.

Суми, Брянск, Орловск, Курск областлари гуруҳларидан ташкил топган ернинг отряди катта-муваффақиятларга эришди. Партизанлик ҳаракатининг асосий базаларидан бирига айланди. Унинг отряди тез ҳаракати, тез маневрлари билан ғалаба қилар эди.

Путивль партизан отрядининг сафи тез кенгайиб борди. Душман орқасида унинг отряди 10 минг километрдан ортиқ йўл босиб фашистлар эгаллаб турган 39 аҳоли пунктидаги горнизонларни тор-мор этган.

Ковпак отряди тажрибаси барча партизан отрядларида қўлланилди, хатто фашизмга қарши курашаётган Европа мамлакатларида ҳам кенг унинг усулларида фойдаланилди.

Белоруссия Украина Полесье вилоятларида, Червоно озеро районида С.А.Ковпак бошчилигидаги Украина партизан отрядининг В.Ж.Корж бошчилигидаги Белоруссия партизан отрядлари ўртасида тантанали учрашуви ўтказилди. Улар ўзаро тажриба алмашдилар ва разведка маълумотларини оладилар. Бундай учрашувлар партизан отрядлари жанговарлик қобилиятини янада оширишга ёрдам берар эди.

Немислар Ковпакнинг фаолиятини тўғри талаффуз қила олмас ва уни Колпак деб атар эдилар.²¹ Колпак сўзи ишлатилганда немис солдат офицерлари ўзларида қўрқув

²⁰ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Ковпак,_Сидор_Арте́мьевич&oldid

²¹ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Ковпак,_Сидор_Арте́мьевич&oldid

хисси сезар эдилар. Қаттиқ чоралар кўрилишига қарамай Ковпак отряди қутилмаган жойда пайдо бўлар ва даҳшатли зарбалар берар эди. Бу зарбалар сони 100 дан ортиқ эди.

1942 йилнинг августида Москвада уни И.В.Сталин ва К.Е.Ворошилов қабул қилган. Энди Ковпак партизанлар отрядлари уюшмасини бошқара бошлаган эди. Унинг бирлашмаси Днепр дарёси ортида йирик операцияларни амалга оширди. 1943 йилнинг апрелида С.А.Ковпак генерал-майор унвони соҳиби бўлди.

1944 йилнинг январидан у бошқарган партизанлар бирлашмаси 1 Украина фронти таркибидаги С.А.Ковпак номидаги партизан дивизиясига айлантирилди ва уни Петр Петрович Веришгора бошқара бошлади.

С.А.Ковпак 1942 йилнинг майида биринчи марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

1944 йилнинг 4 январида эса партизан отрядининг Карпат рейдини муваффақиятли амалга оширгани учун иккинчи марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан мукофотланган.

“Икки марта Совет Иттифоқи қаҳрамони, аримия генерали кўринишдан кексайиб қолган оддий Украин деҳқонига ўхшар эди”

1944 йилдан С.А.Ковпак Украина Олий суди аъзоси бўлди. 1947 йилдан Украина Президиуми муовини лавозимига ўтди. 1967 йилдан Украина Олий Совети Президиуми аъзоси ва СССР Олий Советининг депутати лавозимига сайланди. У 1967 йилнинг 11 декабрида вафот этган ва Киевда дафн этилган.

“Ковпак жуда камтарин эди, бошқаларни ўргатишдан кўра ўзи кўпроқ ўрганишга интилар эди, камчилигини дархол бўйнига олар, вазиятни мураккаблаштирмас эди”.²² Унинг раҳбарлигида партизанлар ўлкаси ташкил этилди. Отрядлар ўз фаолиятларини ўнг қирғоқ Украина ўрмонларида олиб бордилар. Гомель, Пинск, Волин, Равно, Житомир, Киев областларида фаолият олиб бордилар. Улар 1943 йилда ўзларининг машҳур Карпай рейдини амалга оширидилар. Бу рейд жаҳондаги кўплаб мамлакатларнинг ҳарбий дарсликларига киритилган. Унинг отряди 1944 йил январида Сидор Ковпак номидаги биринчи Украина партизанлар дивизиясига айлантирилган эди.

1975 йилда режиссёр Т.В.Левчук Украинанинг Александр Довженко номи киностудияда “Дума о Ковпаке” деб номланган уч серияли кинофильмини суратга олган. Кинофильмнинг биринчи серияси “Кабат” деб номланган. Иккинчи серияси эса “Бурани” деб номланган. Учинчи серияси “Карпаты, Карпаты” деб номланган эди. Унинг номини

²² http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Ковпак,_Сидор_Артемович&oldid

абадийлаштириш учун Киев, Путивль, Котельва, Суми шаҳарларида унинг бронзадан ишланган бюстлари ўрнатилган. Ўндан ортиқ шаҳарлардаги кўчаларга унинг номи берилган.

Партизан уруши олиб бориш йўлларини ўргатувчи қисқа курслар ташкил қилинди. 1941 йилдаёқ 4500 ташкилотчилар тайёрланди. Айниқса 28 июндаёқ душман Минск шаҳрини босиб олиши, бутун Белоруссия бўйлаб Москвага интилиш муносабати билан Белоруссия ва Украинанинг барча партия ва совет ташкилотлари яширин фаолиятга ўтганлиги эълон қилинди. 1941 йилнинг июль ойидан бошлаб Минск яширин обкоми В.И.Козлов бошчилигида фаолият бошлади.

1941 йил охиригача 3 область, 2 шаҳар, 25 яширин ташкилотлари иш бошладилар. Витебск, Минск, Бобруйск, Орма, Гомель вилоятларида партизан отрядлари фаолият бошладилар. Умуман Белоруссия ҳудудда 1941 йилнинг августига келиб 12000 киши партизанлик фаолиятини бошлади. Партизан отрядларининг фаолияти турли жойларда турлича ташкил қилинган эди. Масалан, тапшириққа биноан айрим отрядлар ўз райони ҳудудда иш олиб борса, айримлари кенгрок ҳудудда иш олиб борар эди. Айрим отрядлар қуролли ҳаракатларга қўшилмаган ҳолда разведка ишлари билан шуғулланар эдилар. Улар аҳоли ўртасида варақалар тарқатар, фашистлар пропагандасининг ёлғон эканлигини аҳолига тушунтирар эдилар.

Партизанлар хатто “Советская Украина” газетасини чиқаришга ҳам муваффақ бўлган эдилар. Айрим партизан отрядлари эса жуда фаол ҳаракат қилар, Совет Армияси билан боғланган ҳолда очик жангларда ҳам иштирок этар эдилар, шаҳар ва қишлоқларни фашистларнинг жазо отрядларидан ҳимоя ҳам қилар эдилар.

Украина партизанлари орасида айниқса “Красный октябрь” отряди етакчиси Т.П.Бумажков бошчилигида ўзининг 80 аъзоси билан фаол ҳаракат қилдилар. Улар душманнинг 300 солдат ва офицерларини ўлдирдилар, 20 танк, 30 автомашинани ишдан чиқардилар, душман учун жуда муҳим бўлган 20 та кўприкни портлатдилар, брожпоездни жарга кулатдилар.

Отряд бошлиқлари Бумажков Т.П. ва Павловский Ф.И.лар Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар.

Украина ҳукумати 1941 йилнинг июль ойидаёқ 800 партия ва совет ходмиларини партизанлик иши учун тайёрлаб фронт чизигидан душман орқасига ўтказиб юборди.

Ташкилотчи гуруҳлар Каменец-Подольск, Винница вилоятларига ва ўнг қирғок Украинанинг бошқа областларига ҳам юборилди. 1941 йилдаёқ Украинанинг 13 вилоятида ва 100 дан ортиқ округ, шаҳар ҳудудларида ташкил этилди. Партизан отрядлари

кўнгиллилардан ташкил этилар эди. Халқнинг қонхўр душманга бўлган нафрати тобора ортиб бормоқда эди.

Душман босиб олган ҳудудларда газеталарнинг чоп этилиши ва тарқатилиши, айниқса, 1941 йилнинг июлидан чиқа бошлаган “За Радяньску Украину” газетаси катта роль ўйнади. Бу эса фашистлар зулмидан ғазабланган аҳолини партизан отрядларига чорлар эди.

Юқорида келтирилган маълумотлар Украинада 1941 йилда эндигина ташкил этилаётган партизан отрядлари фаолиятдан мисоллар эди.

Партизанлик ҳаракатининг кейинги йиллардаги фаолияти ҳақидаги маълумотларни қуйида келтиришга ҳаракат қиламиз.

Қизил Армияга ўз разведка маълумотларини етказиб турдилар. Фашистларнинг “Яшин тезлигидаги уруш” яшинини ўчиришида фаол иш олиб бордилар. Бу эса фашистлар босиб олган ҳудудлар аҳолиси ишончини оширар эди. Москва мудофааси даврида, Москва остонасида қарши ҳужумни ташкил қилиш даврида ҳам партизанлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Москвага ҳужум қилаётган фашист қўшинлари оралида 100 га яқин партизан отрядлари фаолият олиб бордилар. Уларнинг сафларида 30 мингдан ортиқ жангчилар бор эди. Улар Қизил Армияга катта ёрдам бердилар. Немисларнинг оператив ва таъминот ишларига катта зарар етказиб турдилар. Душманнинг қўлаб техникасини ва аскарларини йўқ қилиб турдилар. “Партизанлик ҳаракати немис қўшинларини илгари ҳеч учрамаган муаммоларга дучор қилди”, - деб тан олган эди, генерал Гудерлиан.²³

Партизан отрядлари душман горнизонларига, ҳарбий объектларига доимо хавф солиб турдилар. Бу ҳол немис аскарларининг кайфиятига қаттиқ таъсир қилар, улар ишончларини йўкотар эди. Шу даврда Киев области Кличевск райони партизанлари И.З.Изох раҳбарлигида ўзларининг Кличевск районларини 1942 йил апрелида душмандан июндан тўла озод этдилар.

Белоруссиялик чекистларнинг “Митя” гуруҳи Могилев ва Орлов областларида бир неча ой ичида Д.Н.Медведев бошчилигида кучли партизан отрядига айланди.

Витебск вилоятида кўрқмас партизан М.Ф.Шмирев (“Батяка Минай”) бошчилигида муваффақиятли фаолият олиб бориб 1942 йилнинг апрелидан биринчи Украина партизан бригадасига айлантирилди.

²³ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Советские_партизаны_в_Великой_Отечественной_войне&oldid

1941 йил 16 сентябрдаёқ Германия олий штаби бошлиғи Кейтель “Совет Иттифоқининг барча босиб олинган ҳудудларида коммунистик қўзғолончилар ҳаракати бошланди. Бу ҳаракатлар Москвадан бошқарилаётган оммавий кураш эканлиги маълум бўлмоқда” деган эди. У сўзини давом эттириб “бу ҳолат Германия раҳбариятига жиддий хавф солмоқда, ҳамма жойда оппунацион қўшинларга ноқулайлик туғдирмоқда, армиямизнинг катта қисми уларга қарши курашда банд бўлиб келмоқда” деган эди.

Қолаверса немислар партизанларга қарши шафқатсиз чоралар қўллар эди. Бу ҳол аҳолини яна ҳам фаол ҳаракатларини келтириб чиқармоқда эди. Партизанлик ҳаракатига ноқулай бўлган ўрмонлар бўлмаган ҳудудларда фашизмга қарши кураш, уларга қарашли бўлган корхоналарда, азводларда қўпоровчилик ишлари билан давом этдирилди.

Босиб олинган ҳудудлар аҳоли турли йўллар билан душманга доимий зарар етказар эдилар. Партизанларнинг 1942 йилдаги фаолияти 1941 йилдагидан сезиларли даражада кенгайди. Йирик операциялар амалга оширила бошлади. Энди партизан отрядларигина эмас, балки партизан бригадалари катта операцияларни амалга ошира бошлади.

Путивль партизанларининг 1942 йил мартдаги очилиб қолишидан кейин партизанлар фаолиятларини тўхтатмадилар. Обком таркибига янги ходимлар келиб қўшилди. Янги курул-яроғ олинди, фаолияти кенгайди.

Мамлакат раҳбарияти партизан отрядларига қарата ҳужумларнинг асосий йўналишини темир ва тош йўлларга, қўприкларга қаратишни талаб қилди. Шу асосда 1942 йилнинг 9 августидан бошлаб жуда кўп қўприклар портлатиб юборилди. Партизанларни маҳорати ошиб кутилмаган жойидан зарба бериш ҳолатлари кўпайди. Ҳар жойда кичик-кичик гуруҳга бўлиниб бериладиган зарбалар баъзан бирлашиб берилган кучли зарбалар билан алмашиб турар эди.

Балтика денгизидан — Қора денгизгача бўлган бепоён ҳудудларда фашистлар партизанлар зарбаларини тобора кўпроқ сеза бошлади.

Гитлер 1942 йилнинг 6 сентябрида чиқарган буйруғида “Шарқдаги партизан отрядлари, айниқса кейинги ойларда бизнинг таъминот юқларимизга жуда катта хавф солмоқдалар” деган эди.²⁴

Германия партизанларга қарши мунтазам армия қисмларидан кўпроқ дивизиялар ажратишга мажбур бўла бошлади. 1942 йилнинг ёзида бу соҳага 13 дивизия ажратилган бўлса, кузга келиб 22-24 дивизия ажратишга мажбур бўлдилар.

²⁴ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Советские_партизаны_в_Великой_Отечественной_войне&oldid

Немислар партизан отрядларининг биргалашиб ҳаракат қилишга йўл қўймаслик ва уларни қисмларга бўлиб юбориш мақсадида қаттиқ ҳаракат қилди. Аммо жазо экспедицияларига қарши биргалашиб ўтказиладиган муваффақиятли операциялар сони кўпайса кўпайди-ки озаймади.

“Марказ” армияси фаолият юргизаётган ҳудудда 65 минг партизан унга қарши курашмоқда эди. Бу ҳудудда немислар партизанларга қарши кучли операция тайёрладилар. Унга 6 пиедалар дивизияси ва 2 танк дивизияси ташланди.

Бу операцияга “Зейдвичи” деб ном берилди. Бу тўқнашувларда немислар юздан ортиқ танк ва бронемашиналардан, 5000 солдат ва офицерлардан ажралди. Албатта фашистлар ҳам партизан отрядларига кучли зарбалар берар, уларнинг марказларини, раҳбарларини йўқ қилиб юборар эди. Аммо уларнинг ўрнига янги партизан отрядлари пайдо бўлар эди.

1942 йилнинг II ярмида ойига 160 поездни (эшелонни) ағдариб юбордилар. Улардан душманнинг аскарлари, ўқ-дорилари, янги техникаси, озиқ-овқатлари йўқ қилинди. Партизанларда ўлжа олинган қуроллардан фойдаланиш одат тусига кира бошлади.

“Катта ер”дан яъни партизан отрядларини бошқариш марказидан юборилаётган янги техника партизан отрядларига жуда қўл кела бошлади.

Совет олимлари томонидан яратилган кучли, янги “магнит минаси” айниқса яхши натижалар берди. Аввалги миналар сингари уни ўрнатиш, сошлаш, сим тортиш ишлари олиб борилмас эди. Мина эшелоннинг метал қисмига 1942 йил давомида 120 жанговар операцияни ўтказди. Немислар темир йўлларни катта куч билан қўриқлашга ҳаракат қилар эди. Айниқса Белоруссиядан ўтадиган Полоцк-Даугавпилс темир йўл магистралли қаттиқ қўриқланар эди. Бу йўлдан кунига 60 га яқин эшелонлар ўтар эди. Бу эшелонларда фашист кўшинлари ва ҳарбий техникаси ташилар эди. Бу юклар асосан Каленин фронтига ва Ғарбий фронтга юборилар эди. 1942 йил 4 августда шу темир йўлдаги Дрисса дарёси кўприги “За Советскую Украину” партизанлар бригадасининг Освейск ва Дриссенск районлари партизанлари томонидан портлатилди.²⁵

Душманга бекиёс зарар келтирилди. 1942 йилнинг II ярмидан бошлаб партизан отрядларининг узок масофаларга ўтказадиган рейдлари одат тусига кира бошлади.

Энди бир тасаввур қилиб кўрайлик, бир ўрмонда партизан отряди бор. Унинг ҳаракат қилиш йўлларини немислар хушёрлик билан қўриқлайдилар, миналаштирадилар. Бу албатта партизан отряди фаолиятини бутунлай тўхтатиб қўймайди, чунки отряд шаҳар ва

²⁵ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Операция_«Рельсовая_война»&oldid

кишлоқлардаги аҳоли билан унинг кўмагида иш олиб боради ва кутилмаган, энг кутилмаган жойдан зарба беради. Энди партизан отрядларида отлар кўпайтирилди. Отлик отрядлар узоқ масофаларга бориб операция ўтказиш имкониятига эга бўлдилар.

1942 йилнинг августидан 11 октябргача “Боевой” деб номланган партизан отрядининг А.К.Фигонтов бошчилигидаги рейди диққатга сазовор.

Бу отряд 500 км дан ортиқ йўл юриб кўплаб полиция горнизонларини, Боровка кишлоғидаги немис дивизияси штабини тор-мор келтирдилар.

Отлик партизанлар қатор партизан отрядлари билан алоқаларни яхшиладилар. Биргалашиб кучли операциялар ўтказдилар.

Белоруссия ва Украина партизанларининг биргаликдаги операциялари душманга катта талафот етказди. Белоруссиянинг Польесе области билан Украинанинг Житомир областида ўтказилган Сарни-Коростень темир йўлида ўтказилган операция эътиборлидир. Декабр ойи бошларида бешга кўприк портлатилиб бу йўналишда поездлар ҳаракат бутунлай тўхтатилди. “Сарни крести” деб ном олган операция бу уруш саҳифаларидан муносиб ўрин олди. Партизанлар Остки ва Томашгруд станцияларини ўнглаб бўлмас даражада вайрон қилдилар.

Иккинчи жаҳон урушидаги машҳур партизан отрядларидан яна бири Совет Иттифоқи қаҳрамони Дмитрий Николаевич Медведевдир.²⁶

У 1998 йилда Орлов губернясининг Брянск уездида туғилган. Отаси моҳир пўлат қуёвчи ишчи эди. Дмитрий Медведев 1918-20 йилларда гражданлар урушининг турли фронтларида қатнашган. 1941 йилнинг 22 августида у ўзининг биринчи партизан гуруҳини тузган, унинг аъзолари 33 кишидан иборат эди. Кейинчалик бу гуруҳ Брянск ўрмонларидаги партизанлар ўлкасига айланган. Партизанлар, Равно, Луцк, Здолбунов, Винница шаҳарларида қимматли разведка маълумотлари тўпладилар.

Унинг отрядида афсонавий разведкачи Совет Иттифоқи қаҳрамони Николай Иванович Кузнецов ҳам бор эди.

Кузнецов Равно шаҳрида немис офицери Паул Зиберт номи остида фаолият олиб борди.

1. Николай Иванович Кузнецов Масквaga уч буюк давлат раҳбарларининг Техрондаги конференциясига гитлерчилар суиқасд тайёрлаётганлиги ҳақидаги маълумотни етказган эди.

²⁶ Партизанское движение в Великой Отечественной войне // Советская военная энциклопедия. / ред. Н. В. Огарков. том 6. - М.: Воениздат, 1978. – С.108.

2. Николай Иванович Кузнецов гитлерчиларнинг 1943 йил ёзида Курск-Орёл районида катта қарши ҳужум тайёрлаётгани ҳақидаги маълумотни немис генерали Ильгеннинг ўзидан олган эди.

Д.А.Медведев отряди уруш йилларида 83 та йирик операция ўтказган эди. 100 минглаб душман аскарларини қўплаб техникасини йўқ қилган эди.²⁷

Д.Н.Медведев уч марта Ленин ордени билан, Қизил Байроқ ордени билан, 1944 йил 5 ноябрида эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган эди.

Д.Н.Медведев урушдан кейин ўз хотираларини ўзи ёзган: “Бу Ровнода бўлган эди”, “Матонатли кишилар”, “Жанубий Буг соҳилларида” номли китобларида ёзиб қолдирган. У 1954 йилда вафот этган.

Унинг бу отряди юқори мартабали фашист раҳбарларини йўқ қилиш билан ҳам шуғулланар эди. Қўплаб немис генералларини йўқ қилган эдилар. Фақатгина ўлдирилган фашист генераллари сони 10 дан ортиқ эди. Фашист генерали Фон Ильген эса тутиб олиниб Москвага юборилган эди. Ўтказилган операциялар 120 дан ортиқ эди. Отряд 81 ҳарбий эшелонни ағдариб юборган, 2000 дан ортиқ немис солдатларини ва 6000 дан ортиқ полициячиларни ўлдирган эдилар.

Д.Н.Медведев бу операциялар давомида икки бор яраланган, бир марта бошидан қаттиқ шикастланган эди. Урушдан кейин Д.Н.Медведев ёзувчилик билан шуғулланди: “Бу Ровнода бўлган эди”, “Отряд ғорга қараб бормоқда”, “Жанубий Буг соҳилларида”, “Матонатли кишилар” номли асарларни ёзган эди.

Бир жихатдан қараганда қўплаб мукофотларга сазовор бўлган бу инсонни ҳаёти бир текис ўтгандек кўринади, аммо у ҳам репрессия балосига дуч келганлардан бири эди.

Д.Н. Медведев 1936 йилда НКВД юқори лавозим эгалари учун ташкил қилинган олий курсларни тугатади. Харьков область НКВД бўлими инспектори бўлиб ишлай бошлайди.

1937 йилда у “ҳалқ душмани сифатида қамоққа олинган раҳбар билан яқин муносабатда бўлган” деган айб билан партия сафидан ўчирилади.

1938 йилда Н.И.Ежов ва И.В.Сталин номига бир неча бор ёзилган шикоят аризаларидан кейин НКВДга ишга тикланади. ГУЛАГ системасига қирувчи Медведьегорск шаҳар бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди. Унинг бу ердаги фаолияти Беломоро-Балтийск комбинати қурилишини назорат қилиш билан ўтди. Кейин у Норильск комбинати қурилишини бевосита назорат қилувчи ходим сифатида ишлаган.

²⁷ Партизанское движение в Великой Отечественной войне // Советская военная энциклопедия. / ред. Н. В. Огарков. том 6. - М.: Воениздат, 1978. – С.120-122.

1939 йил охирида барибир “очилган ишларни асоссиз равишда тўхтатганлиги учун” деган буйруқ билан вазифасидан бўшатилади. У пайтда Медведев Д.Н. энди 41 ёшга кирган эди.

1941 йилдан “Митя” деб номланган махсус отряд раҳбари сифатида душман орқасига ташланди. Бу отряд 1941 йил сентябридан 1942 йил январгача душман ортида разведка маълумотларини тўплаш билан шуғулланган эди. Қолаверса бу даврда Смоленск, Брянск, Могилев областларида 50 дан ортиқ операцияларни ўтказишга раҳбарлик қилган эди.

1942 йил июнидан 1944 йил февралига қадар у “Победители” (“ғолиблар”) деб номланган партизан отряди командири бўлиб ишлади. Бу отряд асосан Марказий Украина ва ғарбий Украина худудларида фаолият олиб борган эди. Бу отряд 120 дан ортиқ операцияларни ўтказган эди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида партизанлар ҳаракатига раҳбарлик қилган партизан отрядлари раҳбарларининг исим-шарифлари:

- Андреев, Василий Андреевич (1906—1974)
- Бринский, Антон Петрович (1906—1981)
- Бумажков, Тихон Пименович (1910—1941)
- Васильев, Николай Григорьевич (1908—1943)
- Ваупшасов, Станислав Алексеевич (1899—1976)
- Вергасов, Илья Захарович (1914—1981)
- Вершигора, Пётр Петрович (1905—1963)
- Волошина, Вера Даниловна (1919—1941)
- Герман, Александр Викторович (1915—1943)
- Голиков, Леонид Александрович (1926—1943)
- Гордиенко, Яков Яковлевич (1925—1942)
- Горячев, Николай Иванович (1924—1943)
- Емлютин, Дмитрий Васильевич (1907—1966)
- Заслонов, Константин Сергеевич (1909—1942)
- Ковпак, Сидор Артемьевич (1887—1967)
- Корж, Василий Захарович (1899—1967)
- Коробков, Виктор Михайлович (1929—1944)
- Космодемьянская, Зоя Анатольевна (1923—1941)
- Кузнецов, Николай Иванович (1911—1944)
- Кузьмин, Матвей Кузьмич (1858—1942)

- Машеров, Пётр Миронович (1918—1980)
- Медведев, Дмитрий Николаевич (1898—1954)
- Мельникайте, Мария Иозовна (1923—1943)
- Мельник, Яков Иванович (1890—1982)
- Мехти Ғанифаўғли Хусейнзода (1919—1944)
- Молодцов, Владимир Александрович (лақаби — Павел Бадаев) (1911—1942)
- Назарова, Клавдия Ивановна (1920—1942)
- Наумов, Михаил Иванович (1908—1974)
- Неклюдов, Валентин Леонидович (1910—1979)
- Орловский, Кирилл Прокофьевич (1895—1968)
- Павловский, Фёдор Илларионович (1908—1989)
- Попудренко, Николай Никитич (1906—1943)
- Руднев, Семён Васильевич (1899—1943)
- Сабуров, Александр Николаевич (1908—1974)
- Старинов, Илья Григорьевич (1900—2000)
- Судмалис, Имант Янович (1916—1944)
- Талаш, Василий Исаакович (1844—1946)
- Фёдоров, Алексей Фёдорович (1901—1989)
- Харченко, Михаил Семёнович (1918—1942)
- Шмирёв, Минай Филиппович (1881—1964)
- Кайсенов Касим (1918—2006) ва бошқалар.²⁸

²⁸ Вершигора П. П. Люди с чистой совестью. - М.: Советский писатель, 1955.

2. БОБ. ПАРТИЗАН ОТРЯДЛАРИ БИЛАН МУНТАЗАМ АРМИЯ ҲАРАКАТЛАРИНИНГ МУВОФИҚЛАШТИРИЛИШИ

Иккинчи жаҳон уруши давридаги партизанлик ҳаракати СССРнинг немис-фашист босқинчилар томонидан вақтинча оккупация қилинган территориясида Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган умумхалқ курашига айланди. Уруш даврида душман ичкарисида 1 миллиондан ортиқ партизан ва кўп минг кишилик яширин ташкилотлар ҳаракат қилди. Уларни ўн миллионлаб ватанпарварлар қўллаб-қувватлади. Совет партизанлари томонидан 1 миллионга яқин фашист ва уларнинг кўмакчилари янчиб ташланди ва асир олинди. 4 мингдан ортиқ танк ва бронемашина, 1600 дан кўпроқ темир йўл кўприклари ишдан чиқарилди, 20 мингдан ортиқ темир йўл эшелонлари ҳалокатга учратилди. 1941 йил 29 июнда СССР Халқ Комиссарлари Совети ВКП(б) МК жойлардаги партия ва совет ташкилотларига душманни тор-мор келтириш ҳақидаги директивани жўнатди. Директивада кўрсатилишича, урушда совет халқининг умумий вазифаси билан бирга партизанлик ҳаракатини кенг авж олдириш программаси ишлаб чиқилганди. 1941 йил 18 июлда ВКП(б) МК «Германия қўшинларининг орқасида курашни ташкил қилиш ҳақида» махсус қарор қабул қилди. Бу қарорда подполье ишлари ва партизанлик ҳаракатини республика, вилоят, шаҳар ва район партия ташкилотларининг раҳбарлари бошқариши кераклиги кўрсатилди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг душманга қарши умумхалқ курашига отланишга чақириб қилган мурожаатига жавобан оккупация қилинган территорияларда партизан отрядлари тузила бошлади. 1941 йилнинг кузида 10 вилоят комитети, 260 дан ортиқ округ, шаҳар ва район комитетлари яширин ташкилотлари иш бошлади. 1943 йил кузига келиб 24 вилоят, 370 дан ортиқ округ, шаҳар, район ва бошқа органларнинг комитетлари душман орқасида кураш олиб борди. Белоруссия ва Ленинград, Калинин, Смоленск Орёл вилоятларининг ўрмонли районларида партизанлар қўл остидаги зоналар, ўлкалар ҳосил бўлди. Брянск ўрмонларида орёллик, брянсқлик партизанларнинг асосий кучлари ва С.А.Ковпак, А.Ф.Фёдоров, А.Н.Сабуров ва бошқалар қўл остидаги Украина партизанларининг йирик қўшилмалари ўрнашган эди.²⁹

1941 йилнинг охири ва 1942 йилнинг бошларида Минск, Смоленск, Киев, Одесса, Днепропетровск, Каунас, Краснодар, Людинов ва бошқа ерларда яширин партия ва комсомол ташкилотларининг фаолияти бошланди. Партизанлик ҳаракатини совет қўшинлари ҳаракати билан мослаштириш мақсадида 1942 йил 30 майда Давлат

²⁹ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Советские_партизаны_в_Великой_Отечественной_войне&old id

Мудофаа Комитети Олий Бош қўмондонлик ставкаси қошида партизанлик ҳаракати Марказий штаби тузилди ва штаб бошлиғи этиб П.К.Пономаренко тайинланди.³⁰

1942 йилнинг ёзида партизанлик ҳаракати штаблари ҳисобида турган партизан отрядларининг 30%и «Катта ер» билан радиоалоқа қилиб турган бўлса, 1943 йилнинг ноябрига келиб 94% отряд партизанлик ҳаракати раҳбар органлари билан радиоалоқада бўлган. 1943 йилда фақат узоққа учувчи авиация ва граждан ҳаво флоти томонидан душман орқасига 12 мингдан ортиқ самолёт учган (шундан ярми партизанларнинг аэродром ва майдонларига қўнган). Уруш йилларида мамлакат ичкарасидаги партизанлик мактаблари ва ўқув пунктларида 30 мингга яқин командирлар ва мутахассислар тайёрланди.

Иккинчи жаҳон урушининг учинчи даври (1942 йил ноябрь - 1943 йил декабрь)да партизанлик ҳаракати янада авж олди. 1943 йилга келиб, Белоруссиянинг 60 дан зиёд жойида партизанлар актив ҳаракат олиб бордилар. Курск жанги давомида ва совет қўшинларининг кейинги ҳужум операциялари вақтида партизанлар «рельс уруши»ни кучайтирдилар. Душман оккупация қилган территориялардаги темир йўл коммуникацияларига йирик кучларини сафарбар этишга мажбур бўлди. Уруш тажрибасининг кўрсатишича гитлерчилар ҳар 100 км темир йўлни қўриқлашда бўш ҳимоя учун 1 батальон, кучли ҳимоя учун 1 полк, баъзида эса партизанларнинг фаол ҳаракати натижасида ҳар 100 км темир йўлга 2 полкни сафарбар этишга мажбур бўлганлар.

1944 йил партизанлик ҳаракати Белоруссия ва РСФСРнинг қатор областларида, айниқса, кескинлашди. Партизанлар душман коммуникацияларига ҳужум қилиб, Германияга жўнатилаётган моддий ва маданий бойликларни олиб қолиш, асирларни қутқариш ишларини авж олдирдилар. Озод қилинган территориялардаги партизанлар мунтазам армияга қўшилиб жанг қилдилар. Брянск, Вильнюс, Витебск, Ворошиловград, Гомель, Днепропетровск, Жлобин, Каунас, Керчь, Киев, Кировоград, Краснодар, Львов, Мипск, Могилев, Николаев, Новороссийск, Одесса, Псков, Симферополь, Смоленск, Таганрог, Харьков ва бошқа бир қанча шаҳарларнинг яширин ташкилотлари муваффақиятли иш олиб бордилар.

Доимий қўшинлар жанговар топшириқларни амалга оширишида партизанларнинг рейдлари катта аҳамиятга эга бўлди. 1942 йил октябрнинг охирида С.А.Ковпак ва А.Н.Сабуров қўмондонлигидаги партизанлар Брянск ўрмонларидан рейд уюштириб, ноябрнинг ўрталарига келиб ўнг қирғоқ Украинагача бўлган 700 кмли масофани босиб

³⁰ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Пономаренко,_Пантелеймон_Кондратьевич&oldid

ўтдилар. 1942-1943 йилларнинг кишида С.А.Ковпак, Я.И.Мельник, М.И.Наумов ва А.Ф.Фёдоровлар қўмондонлигидаги рейдлар душманга кучли зарба берди. Қизил Армиянинг 1941-1942 йилги киши хужуми даврида партизанларнинг доимий қўшинлар билан биргаликда олиб борган ҳаракати кенгайди. Партизанлар душман коммуникациялари штаб ва омборхоналарига кучли зарбалар бериш билан бирга, аҳоли пунктларини душмандан озод этишда, душман объектларига совет авиацияларини бошқаришда яқиндан ёрдам кўрсатдилар. 1942 йилнинг ёзида партизанлик ҳаракати душманнинг 24 дивизиясини чалғитди. Партизанлар томонидан шу йили августда 148 та, сентябрда 152, октябрда 210, ноябрда 238 темир йўл эшелонлари ҳалокатга учратилди.³¹

1944 йил июнь ўрталарида Белоруссия территориясида 150 бригада ва 49 отряд составида 143 минг кишидан ошди (резервдаги 250 минг кишини ҳисобга олмаганда) партизанлик группировкалари душманга қарши кураш олиб борган. Партизанлар 20 июнь кечаси душманнинг муҳим темир йўл коммуникацияларига оммавий ҳужум уюштириб, 40 мингдан ортиқ рельсини портлатдилар. Улар совет қўшинларига Березина, Случь, Птичь, Неман ва бошқа қўпгина дарёларни кечиб ўтишда катта ёрдам кўрсатдилар. Белоруссия операциясида партизанлар томонидан душманнинг 15 мингдан ортиқ солдат ва офицери янчиб ташланди, 17 мингдан ортиқ солдат ва офицери асир олинди.³²

Қатор мағлубиятлардан кейин аламзада бўлган фашистлар 1943 йилга келиб босиб олинган совет ҳудудларида террорни кучайтирди. Бу ҳудудларда “ўз-ўзини” бошқариш деб номланган немисларнинг “янги тартиблари жорий қилинган эди. Бу “немис ҳукумати” собиқ оқ гвардиячилардан, миллатчилардан, антисовет элементлардан ташкил топган эди. Босқинчилар оммавий қирғинлар ўтказар, аҳолининг бор мулкни тортиб олар эдилар.

Белоруссия ҳудудида ҳам аҳолини Германия учун ишлашга мажбур этар эдилар. Хом ашё, озиқ-овқат, уй ҳайвонлари тортиб олинар, ишга яроқли аҳоли эса Германияга ҳайдаб кетилар эди. Концлагерларга ташланганларнинг аҳоли эса жуда аянчли эди. Уларда 18 мингдан ортиқ ҳарбий асирлар ва мажбуран ҳайдаб кетилганлар бор эди. Улардан 11 миллион ўлдириб юборилди. Бу чораларнинг барчаси аҳолини курашдан қайтара олмади. 1943 йил партизан ҳаракатларининг жуда фаоллашган йили бўлди. Совет Армиясининг Сталинграддаги, Курск-Орелдаги ғалабалари совет кишиларининг руҳиятини кўтарди, фашизмга қариш умумхалқ кураши янада авж олди. Украина ва Белоруссиядаги партизанлик бригадалари энди янада йириклаштирилиб партизанлик уюшмаларига, бирлашмаларига айланиб борди. Партизанлик ҳаракати йириклашиб-марказлашиб

³¹ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Операция_«Рельсовая_война»&oldid

³² http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Советские_партизаны_в_Великой_Отечественной_войне&oldid

боргани сари улар йирик операцияларни амалга ошира бошладилар ва душманга кўпроқ зарба бера бошлади. 1943 йилга келиб Украина ва Белоруссия подполиси 144 газета чиқара бошлади. 1943 йилда Украина партизанлари сафига 96 минг киши келиб қўшилди. республикадаги партизанлар сони 153,5 минг кишига етди. 105 минг киши партизанлик резерви сифатида рўйхатга олинди.

Партизанлари душманга кучли зарбалар бера бошлади. 1943 йилда 6236 эшелон душман юклари ағдариб ташланди.³³

Украина ва Белоруссиянинг подпольедаги ҳукуматлари 1943 йил ғалла ҳосили ҳақида қарор чиқарди, ҳосилни душманга бермаслик ҳақидаги қарорни бажаришга астойдил киришилди. Олиб кетилаётган буғдойни тортиб олиш ёки йўқ қилиш ишлари оммавий тус олди.

1943 йил ҳосилининг ярмидан кўпи душман омборларига тушишига йўл қўйилмади. Украина худудига жойлаштирилган Чехославакия дивизияси фаолияти деярли тўхтатилди. Чехославакларнинг партизанлар томонига ўтиш ҳоллари кўпайди. Энди Белоруссия ўрмонларида поляк, славян партизан отрядлари ҳам пайдо бўлди. Партизан отрядлари сафларида немис антифашистлари кўпая бошлади, интернационал отрядларда немислардан ташқари белгиялилар, французлар ҳам фашистларга қарши кураша бошладилар.

Бунга албатта Совет Армиясининг ғалабали одимлари сабаб бўла бошлади. Партизан отрядлари бригадаларга айланиб йириклашиб борган бўлса ва кейинчалик бирлашмаларга айланган бўлса энди 1943 йилга келиб Белоруссия, Украина худудларида партизан ўлкалари пайдо бўлди. Полесдаги партизан ўлкаси 14 район худудини бирлаштириб олди. Бу худудларда душман партизанларга қарши чоралар кўра олмай қўйдилар. Улар фақат шаҳарларда, стацияларда, темир йўл магистраллари бўйлабгина назорат қиладиган бўлиб қолдилар. Аммо у ерларда ҳам душман ўзини эркин сеза олмас эди.

Бутун уруш давомида Октябрьский, Богольский, Ушарский, Кличевский районлари партизанлар қўлида бўлди. Вилибск областидаги партизанлар зонаси Лепельско-Ушарская деб номланар 3245 кв.км масофани эгаллаган ва бу худудда 80 минг аҳоли яшар эди. Бу худудда 16 партизан бригадалар жойлашган бўлиб уларда 17000 жангчи фаолият юргизар эди.³⁴

³³ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Операция_«Рельсовая_война»&oldid

³⁴ Партизанское движение в Великой Отечественной войне // Советская военная энциклопедия. / ред. Н. В. Огарков. том 6. - М.: Воениздат, 1978. – С.150.

Киев область партизан ўлкасида ҳам 6000 км² ҳудуд партизанлар қўшиди. 1943 йилда тобора кенгайиб бораётган партизанлик зоналарида Совет ҳукумати тикланди, Совет қонунлари асосида иш юритила бошланди. Партизан ўлкаларига турли вилоят ва туманларидан фашистларнинг жазо отрядлари яқинлашаётганини сезга аҳоли келиб жойлашиб олар эди. Айниқса Германияга ҳайдаб кетишга тайёрланаётган аҳоли деярли 100% дарҳол партизанлар зоналарига келиб жойлашар эди. 442 дивизия командири генерал-лейтенант Борнеманн 1943 йилнинг май ойида ўз ҳисоботида қуйидагича ёзади: “Бир ярим йил давомида партизан отрядларини йўқ қилишга ҳаракат қилдик, Брянск ўрмонларида партизанларни қириб ташлаш режаси бирор марта ҳам амалга ошмади аксинча биз кўп талафот кўрдик. Партизанлар бизнинг 2-танк армиямиз орқасида катта ҳудудни эгаллаб турибди. Дивизиянинг ҳаракат йўллари партизанлар томонидан доимий қузатувда. Бундай ҳолатга чидаб бўлмайди. Бу ҳолат 2-танк армиясига катта хавф туғдирмоқда”.

Немислар Украина партизанларига қарата 45000 кишилик жазо отряди Украина партизанларига қарши 55000 кишилик жазо отряди юборди. Улар Богомль дастлаб партизанларни район марказидан суриб чиқара бошладилар. Аммо партизанларнинг кутилмаганда бошланган қарши ҳужуми фашист қўшинларини ваҳимага солди ва фашистлар чекинишга мажбур бўлдилар. Богомль яна фашистлардан тортиб олинди. Партизанларга қарши қурашиш учун немислар совет-герман фронтдан 10% аскарлар ва техникасини олишга мажбур бўлдилар. Албатта партизанларга осон бўлмади, фашист босқинчиларининг замонавий қуролланган жангларда чиниққан қисмларига қарши туриш осон эмас эди. Партизанлар ҳам кўп талафот кўрди. Аммо улар энди, 1943 йилда душмандан қўрқмас, ғалабага тўлиқ ишонч билан ҳаракат қилар эдилар. Қолаверса, партизанларнинг яна бир муҳим томони бор эди.

Партизанлар ўз вилоятларида, ўз шаҳарлари ёнида, ўз қишлоқларида, оиласи ёнида жанг қилар эдилар. Оила бу Ватандир. Ёки ватан оиладан бошланади деб бежиз айтилмаган. Партизанлар ўзлари униб-ўсган юртларини жуда яхши билан, ўрмонларда, ботқоқликларда, тоғларда, дарё ва сойларда қандай ҳаракат қилишни яхши билар эдилар.

1943 йилда партизан отрядларининг душманнинг таянч нуқталарига, аслаҳа, озиқ-овқат омборларига узоқ рейдлардан кейин, ҳатто отлик отрядлар 800-1000 км масофадан келиб кутилмаган зарбалар бериш одатга айланди. Бу рейдлар ерли аҳолини руҳлантирар, қурашга чақирар ва йўл-йўлакай отрядлар ўз сафларини ерли аҳоли билан тўлдириб кўпайтириб ҳам борар эди. Воқеалар ривожини шу даражага бориб етди-ки, Совет

Армиясининг қатор операциялари партизан отрядлари ёки бригадалари билан биргаликда ўтказилган ҳолатлар тез-тез учраб турадиган бўлди.

Душманнинг стратегик объектларига берилаётган зарбалар янада кучлироқ бўла бошлади. Бу урушлар “Рельс уруши” номини олди.³⁵

1943 йил 15 дан 16 сентябрга ўтар кечаси Белоруссия ва Украина орқали ўтган темир йўлларда, рельсларда 1103 портлаш содир бўлди. Душман эшелонлари ағдариб юборилди, поездларга яна 38 марта ҳужум қилинди, 171 жойда рельсларни бузиш ҳолати содир бўлди.

19 сентябрда шу операциянинг 2-босқичи бўлди, 40 оғир юкли поездлар ағдарилди, 44 жойда йўлни тўсиш ва бузиш ҳолатлари амалга оширилди, 18 жойда поездларга оғир ҳужумлар уюштирилди, йўлларни портлатиш орқали бузиш ишлари 1100 жойда амалга оширилди.

Душман темир йўлларни тузатиш ишларини бажаришда жуда катта қийинчиликка учрай бошлади. Ремонт бригадалари етишмас эди. Одатда ремонтчилар ҳам ўққа тутилар эди.

Киев области партизанлари кенг алоқалар ўрнатиб 14 шаҳар ватанпарварлари билан биргалашиб ҳаракат қилдилар. Шаҳарлардан ташқари 600 га яқин қишлоқлар билан алоқа қилар эдилар. Бу алоқалар партизан отрядларига кўплаб одамларни сафарбар қилар эдилар. Душмандан тортиб олинган 20 та пулемёт, 2 мингдан ортиқ милтиқ ва автоматлар, кўплаб портлатувчи мосламалар партизан отрядларига юбориб турилди.

Одесса подпольеси таркибида 240 аъзо бор эди. Улар 1943 йилда шаҳардаги энг машҳур ва баланд Успенский собори тепасига қизил байроқ ҳам тикиб қўйган эдилар.³⁶

Украинада фашистлар жуда оғир жазо экспедициялари ўтказар, партизанларни йўқ қилишга ҳаракат қилар эдилар. Бутун Украина бўйлаб босиб олинган ҳудудлардаги завод ва фабрикаларни немисларга ишлашга мажбур қилар эдилар. Ишчилар эса бу корхоналарда ишлаб чиқаришни бузишга ҳаракат қилар эдилар. Бу ҳол корхонани маълум муддатга тўхтатиши билан бирга кўплаб ишчиларни отиб ташланишига олиб келар эди.

Днепродзержинск ишчилари эса заводлардаги саботажлар сабабли кунлик нормаларини 8-10% гагина бажарар эдилар. Днепродзержинск партизанлари эса душман камоқхоналаридан 800 дан ортиқ ҳарбий асирларни озод қилдилар. Озод қилинганлар дарҳол партизан отрядларига келиб қўшилار эдилар.

³⁵ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Операция_«Рельсовая_война»&oldid

³⁶ Партизанское движение в Великой Отечественной войне // Советская военная энциклопедия. / ред. Н. В. Огарков. том 6. - М.: Воениздат, 1978. – С.201-202.

Крансодан шахридаги “Ёш гвардия” ташкилоти эса қўплаб душман солдат ва офицерларини ўлдирдилар, ҳарбий асирларни душман лагерларидан озод қилдилар. Ёш гвардиячиларнинг қўплари душман қўлига тушиб отиб ташландилар. Улардан Олег Кошевой, Сергей Тюленин, Иван Зеленухов, Люба Шевцоваларга ўлимидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган эди.

Украина партизан отрядлари 1943 йилга келиб уюшган, яхши алоқада бўлган армия даражасига етди. Уларнинг сафларида 43500 аъзо бор эди. Партизанлар қутилмаган жойда бехосдан пайдо бўлар ва душманга катта зарар келтирар, солдат ва офицерларни кириб ташлар эдилар.

Аммо душман ҳам бунга бефарқ қараб турмас эди. Партизанларга қарши “жазо отрядлари”га тобора кўпроқ қўшинлар ажратар эди. Масалан, бир ўрмондаги партизан отрядини ўраб олиш учун 1943 йилда 10 дивизияни сафарбар қилган эди. Бу операцияда танклар ва самолётлар ҳам ишга солинган эди. Бундан иккинчи бир хулоса қилиш мумкинки, қиш совуғи, баҳор-куз ёмғирлари остида, ўтиб бўлмас ўрмонларда ва ботқоқликларда яшаш, курашиши партизанлардан сабр-тоқат, чидам, матонат талаб қилар эди. Бу қийинчиликларга бардош берган партизанлар эса “катта ер”нинг талаби асосида фаолият юргизишга мажбур бўлар эдилар. Партизан отрядлари мавжуд бўлган ўрмонлар атрофлари немислар томонидан қалин миналаштирилар эди. Немис самолётлари бу ўрмонларни тез-тез бомбардимон қилиб турар эди.

В.Е.Чернишев бошчилигидаги Барановичи партизан отрядига қарши генерал-майор Готеберг бошчилигида 50 минг солдат ва офицер юборилди. Жанглар бир ой даом этди. Немислар 3000 аскар йўқотиб қайтиб кетишга мажбур бўлди. Ғазабланган фашистлар 150 кишлоққа ўт қўйиб юбордилар, 100 лаб кексалар, болалар ва аёлларни отиб ташладилар.³⁷

Германия ўз қуролли кучларининг 10% ни партизанларга қарши қўйишга мажбур бўлган эди.

Душманга қарши партизанлар курашининг кенг тарқалган усули душман ортига рейдлар уюштириш бўлган эди. Бу рейдлар айниқса Украинада кўп марта амалга оширилди. Масалан, Червоное қўлидан бошланган рейд Киев яқинигача давом этди. Кейин бу рейд Суми, Полъесе, Ровно, Львов, Тернополь, Станислав областлари бўйлаб давом этган эди. Бу рейд давомида партизанлар 2000 км масофани жанглар билан босиб ўтдилар.

³⁷ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Советские_партизаны_в_Великой_Отечественной_войне&old id

Наумов М.И. бошчилигидаги партизан отряди ўз рейдини Суми, Полтава, Кировоград, Одесса, Винница, Киев йўналишида олиб бордилар.

Мельнин Я.И, Бурченко Д.Т. бошчилигидаги отряд Польесь, Житомир, Винница, Каменец-Подольск йўналишида рейд ўтказган эди.³⁸

Бу рейдлар ўз операцияларини ўтказиш билан кифояланиб қолмас эди. Рейдлардан хабар топган шаҳарлар ва қишлоқлар аҳолиси ҳам ўз фаоллигини оширар, душманга турли кўринишда зарбалар берар эдилар. Партизанларнинг бу ҳаракатлари кўпинча мунтазам армия билан келишилган, режалаштирилган ҳолатда олиб борилар, фронтлардаги ғалабаларга муносиб ҳисса бўлиб қўшилар эди.

Партизанлари темир йўллар, тош йўллар, заводларда диверсияларни кучайтириб юбордилар. Бу ўринда поездларга қарши секин ишга тушадиган янги миналар жуда қўл келди. Бу ўринда Вигоник темир йўл кўпригини портлатилиши муҳим аҳамият касб этди. 1943 йилнинг 8 мартда Шорс номли партизан отряди партизанлари Кравцов номли ва Ворошилов номли отрядлар ёрдамида 800 кг тротил ўрнатиб портлашни амалга оширдилар. Бу душман поездларини узоқ муддатга тўзтаб қолишига олиб келди.

Украина партизанлари Киев-Житомир-Ровно темир йўлида, Чернигов-Киев, Львов-Ровно, Житомир-Коростень, Ковель-Сарни, Ковель-Брест йўналишларида кўплаб портлашлар ўтказилиб эшелонлар ағдариб ташланди. 1943 йилнинг II ярмида 3200 поезд ағдариб ташланди. Шу муддатда мингга яқин темир ва тош йўл кўприклари портлатиб юборилди. Бу кўприklar билан бирга 6 мингга яқин душман автомобиллари портлатиб юборилди.³⁹

Партизанлар ҳаракатининг Украина штаби ихтиёрида 1943 йилнинг охирида 43,5 минг жангчи бор эди. Аммо жуда кўп партизан отрядлари бу ҳисобга кирмаган ва мустақил ҳаракат қилар эдилар.

Олий Бош Қўмондонлик кўрсатмаси асосида 1943 йилнинг ёз-куз компаниясида, айниқса, Курск жанги олдида Марказий партизанлар штаби Украина партизанлари штаби билан биргаликда келишиб ҳаракат қилиш режасини ишлаб чиқдилар. Орёл ва Харьков вилоятларидаги асосий тош ва темир йўлларни бутунлай издан чиқариш режалаштирилган эди. Биргаликдаги ҳаракатлар душман қўшинларининг таъминотини сезиларли даражада издан чиқарди. Душманга қарши ўтказилаётган диверсион ҳаракатлар

³⁸ Партизанское движение в Великой Отечественной войне // Советская военная энциклопедия. / ред. Н. В. Огарков. том 6. - М.: Воениздат, 1978. – С.286-288.

³⁹ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Операция_«Рельсовая_война»&oldid

оммавий тус олди. Разведка маълумотлари тезлик билан мунтазам армия қўмондонлигига етказиб турилди.

Курск-Орёл остонасида Совет қўшинлари қарши ҳужумга ўтган вақтда эса душман қўшинининг тартиб билан чекинишга имкон берилмади, душманнинг чекиниш йўллари партизанлар томонидан тўсиб қўйилди. Шаҳар ва қишлоқларни озод қилишда партизан отрядлари фаол иштирок этдилар. Умуман ёзги операциялар пайтида душманнинг 1600 эшелони ағдариб юборилди. Партизанлар фаолияти гитлерчиларнинг “Цитадель” операциясини деярли барбод қилдилар.

“Рельс уруши” нинг биринчи босқичи 1943 йилнинг август ойида амалга оширилди. Бу даврда 215 минг рельс бузиб ташланди.

Гитлерчилар йўллар бошқармаси маълумотига кўра “1943 йилнинг 15 сентябридан 16 сентябрга ўтар кечасининг ўзида қуйидаги воқеалар содир бўлди: 1103 ерда рельслар портлатилди. 65 оғир юкли эшелонлар ағдарилди, поездларга 38 марта ҳужум уюштирилди, 171 жойда поезд йўллари тўсиб қўйилди” дейилади.

Гитлерчилар ҳисоботида 1943 йилнинг 19 сентябрида, яъни аввалгисидан 3 кун кейин “40 поезд ағдарилди, 44 жойда рельслар бузилди, поездларга 18 марта ҳужум қилинди, 1100 жойда портлашлар содир этилди” дейилади.

“Рельс уруши” операциясининг иккинчи босқичи “Концерт” деб номланган эди. Бунга кўра операция майдони кенгайди, портлашлар рельсларни бузиш ишлари янги вилоятларга кўчирилди. Рельс урушининг биринчи босқичида 170 партизан бригадалари қатнашган бўлса, иккинчи босқичда 193 партизан бригадаси иштирок этди. Бу бригадалардаги қўшинлар сони 120 мингдан ортиқ эди. Улар рельсларни 211 жойидан бузиб ташладилар.⁴⁰

Партизанлари ўз фаолиятларини мунтазам армия билан янада кенгроқ ҳолда боғлаб олиб бора бошладилар. “Совет қўшинларининг Курск-Орёл, Харьков йўналишидаги ғалабаларига кўп жихатдан партизан отрядларининг муваффақиятли операциялари сабаб бўлди”.

1943 йил сентябрь-октябрь ойларида Днепр дарёсидан кечиб ўтиш пайтида партизан отрядлари фаолиятини мувофиқлаштириш режаси ишлаб чиқилди. Киев яқинида Днепрдан кечиб ўтиш операциясига 1700 қўшини бўлган партизан бирлашмалари жалб этилди. Партизанлар душманнинг кечув жойларини вайрон қилдилар. Ўқ-дори ва озиқ-

⁴⁰ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Операция_«Рельсовая_война»&oldid

овкат омборларини портлатиб юбордилар, мунтазам армия қисмларига эса кечув жойларининг энг қулай нуқталарини топиб бердилар.

Партизанлар совет армияси қисмларининг ўз хужумаларини тез ўтказиш учун Днепр дарёсидан ташқари Десна, Припять дарёларидан кечув жойлари тайёрлардилар, бу кечувларнинг сони 25 дан ортиқ эди. Мунтазам 13-Армия қисмлари шундай кечувлардан фойдаланиб душман кутмаган пайтда Овруг шаҳри яқинида пайдо бўлди ва шаҳарни вайрон қилинишдан сақлаб қолдилар.

Овруг учун бўлган жангларда Ян Наленка бошчилигидаги слован партизан отряди ҳам иштирок этди. Овруг операциясида қатнашган қўшинлар ва партизанлардан 180 нафари орден ва медаллар билан мукофотланганлар.

1943 йилнинг 9 декабрида Знаменка темир йўл узели учун бўлган жангларда мунтазам армия қисмлари билан бирга партизанлар фаол қатнашдилар ва темир йўл узелини қўлга киритдилар. Знаменка узели орқаси Днепропетровск, Николаев, Кривой Рог, Одесса, Киев поездлари ўтар эди.

Совет армиясининг кетма-кет ғалабалари туфайли душман босиб олган ҳудудлар бирин-кетин душмандан озод қилина бошлади. Озод қилинган вилоятлардан кўплаб фуқаролар кўнгилли равишда партизан отрядларига келиб қўшила бошладилар. Партизан отрядлари йирик партизан бирлашмаларига айлана бошлади. 1943 йилнинг охирига келиб уларнинг сафларида 250 минг жангчи бор эди. Жангчиларнинг бундайн кўпайиб кетмаслигига баъзан куро-яроғ ва ўқ-дориаларнинг етишмаслиги сабаб бўлар эди. Кўплаб кўнгиллилар партизанларнинг захира рўйхатига олинган ҳолда сақланар эдилар. Қуролланмаган захира партизанлари бир неча юзминг кишини ташкил қилар эди.⁴¹

1943 йилда партизанлар 1942 йилдагига қараганда 5 баравар кўпроқ поездларни ағдарардилар, штабларини тор-мор қилдилар, қатор аҳоли яшаш пунктларини душмандан озод қилдилар. Душман солдат ва офицерларини эса 1942 йилга нисбатан 4 баравар кўп йўқ қилдилар. Партизан отрядлари бирлашиб уюшмаларга, армияларга айланиб бордилар. Партизанлар амалда душман ортида иккинчи фронт ташкил этдилар. Ҳарбий мутахассислар Сталинград жангидан кейин партизанлик ҳаракати планли-оператив-тактик ҳарактерга айланганлигини таъкидлардилар. Чунки энди партизанлар амалга ошираётган операциялар Совет Армияси штаби билан узвий боғлиқ, пухта режалаштирилган ҳолда ўтказила бошланди.

⁴¹ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Советские_партизаны_в_Великой_Отечественной_войне&oldid

Сталинграддаги иккинчи жаҳон урушининг беришида кескин бурилиш бўлган жаҳоншумул тарихий операцияни ўтказиш даврида ҳам партизанлар хиссаси жуда катта бўлган эди. Партизанлик ҳаракати Совет Иттифоқидан кейин душман босиб олган мамлакатларда ҳам кенг ёйилди.

Бу ўринда биргина Югославияни мисол қилишимиз мумкин. Югославия партизан отрядлари ҳарбий вилоятда, ҳар бир районда ташкил этилиб душманга жуда сезиларли зарбалар берган эдилар.

Фашизмга қарши курашаётган, душман босиб олган мамлакатлардаги партизанлик ҳаракатларига кўпинча душман қўлидан, асирликдан қочган совет солдатлари ва офицерлари ўз хиссаларини қўшдилар.

Гитлерчилар лагерларидан, қамоқхоналаридан қочиш у даражада осон иш эмас эди албатта. Аммо кўплаб ҳарбийлар бунинг йўлини топар ва озодликда душманга қарши курашни ташкил қилар эдилар. Совет солдат ва офицерлари Польша, Франция, Италия, Югославия, Чехославакия ҳудудларида партизан отрядлари ташкил қилдилар.

Фелдмаршал Кейтель 1943 йил 22 мартда “Чуқур ташвиш билан шуни маълум қиламан-ки, жазо чоралари жуда ҳам кучайтирилишига қарамасдан солдат ва офицерларнинг қамоқлардан қочиши тобора кўпайиб бормоқда” деган эди.

Польшада В.П.Войченко ташкил этган “Салика”, Василенко ташкил этган “Уралец”, катта лейтенант Володин ташкил этган “Таден Русский” номли партизан отрядлари душманга жуда катта зарар етказди.

Чехославакияда машҳур бўлган Чапаев номли партизан отряди, совет ҳарбийлари ёрдамида юксалиб борди, душманга жуда кўп зарбалар берди. Чехославян халқларининг фашизмга қарши кураши тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди.

Югославияда чегарачи-матрос А.И.Дяченко бошчилигидаги партизан отряди гитлерчиларга шу қадар кўп зарбалар бердилар-ки, уларни совет десант мунтазам қисмлари деб ишондилар.

Италиядаги Гарибалди номли партизан отряди таркибидан эса юўлаб совет солдат ва офицерлар бўлиб умумий душманга қарши муносиб жанг қилдилар. Уларнинг орасида Ўзбекистонлик жангчилар бўлиб Италияда юксак ҳурматга сазовор бўлган эдилар. Бу отрядга совет офицери В.Я.Переладов бошчилик қилган эди.

1942 йилнинг охири ва 1943 йилнинг бошларида фашистлар Франциянинг шарқий департаментларига (вилоятларига) жуда кўп совет асирларини ва ҳайдаб кетилган ишчиларни олиб келган эди. Фашистларнинг мақсади бу ердаги ишламай турган заводларни ўзлари учун ишлатиш ва кўмир конларидан хомашё қазиб олишни мақсад

қилган эдилар. Ҳарбий асирлар ва ишчилар аввалига оз-оздан, кейинчалик гуруҳ-гуруҳ бўлиб фашистлар қўлидан қоча бошладилар. Уларга Франция аҳолиси сидқидилдан ёрдам бериб турди. Фашистлар таъқибидан қочганлар дарҳол француз қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг юксалган даври 1943 йилнинг охири 1944 йилга тўғри келди.

Умуман совет кишиларининг Европа қаршилик кўрсатиш ҳаракати сафларидаги иштироки – ватанпарварликнинг ёрқин намунаси бўлди. Бутун прогрессив инсоният сафларида туриб улар мамлакатлар ҳудудида туриб умумий душманга қарши мардонавор кураш олиб бордилар. Европа мамлакатлари ҳудудида партизан ҳаракатининг кенг қулоқ ёйганлигини шундан ҳам билиш мумкин-ку, Германия ҳудудида, маркази Мюнхен жаҳонда бўлган «Братское сотрудничество военнопленных» ташкилоти яъни БСВ (ҳарбий асирларнинг қардошлик ҳамкорлиги дейиш мумкин) жуда кўп ишларни амалга оширди. Бу ташкилотга Германия антифашистлари яқиндан ёрдам бердилар. Бу ташкилотнинг раҳбарлари К.К.Озолин, М.И.Конденко, И.Фельдманлар эдилар. Улар кўпроқ ҳарбий заводларда собатажлар ташкил қилар эдилар. Доимий равишда ҳарбий асирларнинг қочиши уюштирилар эди. Улар кўпинча фашистлар томонига ўтиб ишлаётган ватан хоинларини йўқ қилиш билан шуғулланар эдилар. БСВнинг фаолияти Қизил Армиянинг Сталинграддаги ғалабасидан кейин яна ҳам кенгайиб кетди.

1944 йилга келиб партизанлик ҳаракати янада юксалди. Аввалги йиллар тажрибаси уни янада такомиллаштириш имконини берди. Жангчиларнинг маҳорати ҳам ойсайин ошиб борди. Совет Армиясининг кетма-кет ғалабалари, душманни мамлакат тупроғидан ҳайдаб чиқариш даврининг бошланиши ҳам партизанларга юксак кўтаринкилик бахш этди.

1944 йилнинг 1 январига келиб Москвадаги партизанлар маркази “катта ер” 1116 партизан отрядлари ва бирлашмалари билан икки томонлаа алоқага эга эди. Бу алоқлар, радио, телефон ва авиация орқали амалга оширилар эди. Партизанлар энди ўз аэродромларига эга бўлган эди. Энди керакли нарсалар самолётда олиб келинар, зарур маълумотлар, ярадорлар, касаллар самолётда олиб кетиладиган бўлди.

1944 йилга келиб Украина партизанлари 60 номдаги газеталарни тарқата бошладилар. Ўнг қирғоқ (Днепр қирғоғи) Украинани озод қилишда, 194 йил баҳоридаги жангларда 47000 партизан иштирок этди.

1944 йилга келиб партизанларга юкланаётган вазифалар сезиларли даражада ўзгарди. Чекинаётган душман шаҳарлари, тарихий ёдгорликларни йўқ қилишга ҳаракат қилди. Бу ҳолни олдини олиш вазифаси партизанларга топширилган эди.

Фашистлар чекинаётиб аҳолини Германияга ҳайдаб кетишга уринар ёки ўлдириб юборишни режалаштирган эдилар. Бу мудхиш ҳолатни олдини олиш ҳам партизанлар зиммасига тушди. Партизанлар фашист поездларини тўхтатиб Германияга олиб кетилаётган аҳолини озод қилар эдилар.

Партизанлари 1944 йилда юзлаб поездларда олиб кетилаётган одамларни қутқариб қолдилар. Фақат Одесса шаҳрининг ўзидан 15000 аҳоли фашизм қуллигидан сақлаб қолинди. Украина партизанлари Марказ билан келишилган ҳолда кўплаб мувоффақиятли операцияларни амалга оширдилар.

С.Ф.Маликов бошчилигидаги отряд 4,5 мингдан ортиқроқ аскари билан 1944 йилнинг бошларида Костопол шаҳри яқинида гитлерчилар билан жангга киришдилар. Душманнинг бир неча хужумини қайтариб 9 январда қарши хужумга ўтдилар. 14 январда Костополь шаҳри фашистлардан озод қилинди ва мунтазам армия қисмлари етиб келгунча ушлаб турилди.

2-Украина фронти Корсунь-Шевченко операциясини амалга оширишда Украина партизанларининг Шорс, Шевченко, Кутузов номли отряди партизанлари билан ҳамкорликда ҳаракат қилдилар. Бу операция давомида беш кунгача Квитки қишлоғининг 500 аҳолиси Совет Армияси сафларига қўшилиб ғалабагача жанг қилдилар.

1944 йил февраль ойида Калинец-Подольск вилоят партизанлари эса мунтазам армия қўшинлари билан ҳамкорликда Изяслав шаҳри учун жангларда фаол иштирок этдилар, шаҳарни душмандан озод этдилар.

Равно вилояти партизанлари эса В.А.Бегма, И.В.Фёдоровлар бошчилигида ҳаракат қилиб мунтазам армия қисмлари билан биргаликда шаҳарни фашистлардан озод қилдилар. Хужум давом эттирилиб Волинь вилоятидаги Цумань район маркази ҳам фашистлардан тозаланди.

Петр Петрович Вершигора бошчилигидаги партизанлар бирлашмаси 1944 йилнинг январь-апрель ойларида Ровно, Волынь, Львов, Брест, Пинск вилоятлари бўйлаб рейд ўтказдилар. Улар 2100 кв йўл босиб душман билан 139 марта жанг қилдилар. Бу рейд давомида Польша партизанлари билан биргаликда душманнинг “Стальная воля” номли артиллерия заводини тор-мор қилдилар. Партизанлар учун ҳаракатлар билан Шарқий Словакия худудига кириб бордилар.

Совет Иттифоқи худудидан фашистларнинг ҳайдаб чиқарилиши, бу ҳали ғалаба дегани эмас эди. Фашистлар томонидан босиб олинган мамлакатларда улар ўзларини мағлубият ёқасида деб ҳисобламас эди.

Совет Иттифоқи бу ўринда Польша, Чехославакия, Венгрия, Руминия, Болгария ва Югославия мамлакатларига турли соҳада, жумладан у мамлакатларда партизанлик ҳаракатларини ташкил этиш бўйича ҳам ёрдам берган эди.

Бу мамлакатларга ҳарбий-техника, қурол-яроғлардан ташқари партизан бирлашмаларини ва отрядларини юбориш билан ҳам ёрдам берилди. 1943 йилнинг апрелидаёқ Украина партизанлар штаби, Польшага юбориш учун польяк миллатига мансуб партизанлардан, Польша шаҳар ва қишлоқларида қачонлардир яшаганлардан махсус гуруҳлар ташкил эта бошлаган эди.

Натижада Польша партизанлари штаби ташкил этилди. “Твардия Людову” отряди ташкил этилди. Польша ҳудудида П.П.Вершигора ва И.А.Банов бошчилигидаги Украина партизан отрядлари кенг фаолият олиб бордилар.

Армия генерали Н.Ф.Ватутин мунтазам армия қисмларининг ҳар бир ғалабасига Украина партизанлари муносиб ҳисса қўшганлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган эди. Ватутин айниқса Овруг, Равно, Луцн шаҳарларини озод этишда партизанлар ижобий жанг усуллари қўллаб ғалаба қилганлигини айтган эди.

Одесса партизанлари қуруқликдаги операциялари билан бир вақтда, портларда ва Қора денгизда қатор ишларни амалга оширдилар. Н.А.Гефт бошчилигидаги гуруҳ муҳим разведка маълумотларни тўплаш билан бирга денгиз орқали чекинмоқчи бўлган душманга қатор зарбалар бердилар. Хатто фашистларнинг 4 кемасини, теплоходини ва эсминецини ишдан чиқардилар.

Умуман партизанлар душманнинг бир неча юз минг солдат ва офицерларини йўқ қилдилар. 5 минг йирик эшелонларни ағдардилар. 2300 тош ва темир йўл кўприкларини портлатдилар.

1500 бронемашина ва танкларни йўқ қилдилар. 211 самолёт, 13000 автомашина, 1000 дан ортиқ складларини йўқ қилдилар.⁴²

Қримда ҳам 4-Украина фронти билан ва алоҳида Примъфе армияси билан ҳамкорлик қилган партизанлар 11 минг аъзоси билан бирга 1,5 минг ҳарбий операцияларни амалга оширдилар. Душман жазо отрядлари билан 252 марта қаттиқ жангларга киришдилар ва душманнинг 30 мингдан ортиқ қўшинини сафдан чиқардилар ва ўлжа олдилар.

⁴² http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Советские_партизаны_в_Великой_Отечественной_войне&old id

3.БОБ. УРУШДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАГА ПАРТИЗАНЛАР ҲАРАКАТИНИНГ ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Партизанлар ҳаракати собиқ Совет Иттифоқининг душман босиб олган барча ҳудудларида юксалиб борди. Ленинград, Каленин, Смоленск, Орлов вилоятлари, Карелия, Литва, Латвия, Эстония, Қрим ҳудудларида олиб борилди.

“Рельс уруши” нинг биринчи босқичида 170 партизан бригадалари иштирок этган бўлса, иккинчи босқичида 193 партизан бригадалари иштирок этди. Бу бригадалардаги партизанлар сони 120 минг кишини ташкил этди. Белоруссия партизанлари “Рельс уруши” нинг икки босқичида 211 минг рельсни портлатдилар.

Совет партизанларининг катта ёрдами ҳақида Совет Иттифоқи маршали Георгий Константинович Жуков қуйидагиларни айтган эди:

“Совет кўшинларининг Курск, Орел, Харьковдаги ғалабаларига партизан отрядлари муносиб хисса қўшдилар. Партизанлар Белоруссияда, Смоленск, Орлов областларида ва Приднепровьеда қаттиқ “Рельс уруши” олиб бордилар”.⁴³

Партизан бригадалари билан Совет Армияси операцияларини режалаштиришда мутсаҳкам алоқа қилинар эди. 1943 йил сентябрь-октябрь ойларида Киев яқинида Днепр дарёсидан кечиб ўтиш режаси ҳам ана шундай биргаликда ўтказилган операциялардан

⁴³ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Советские_партизаны_в_Великой_Отечественной_войне&oldid

эди. Бу операцияда 17 минг партизан иштирок этган эди. Улар Днепрдан ўтиш белгиланган жой атрофидаги тош ва темир йўлларни, душман истеҳкомларини, муҳофаа иншоотларини қаттиқ вайрон қилдилар. Ёқилғи, қурол-яроғ омборларини портлатдилар, Совет армияси жангчиларига кечиб ўтишнинг қулай жойларини топишда яқиндан ёрдам бердилар. Днепрни биринчилардан бўлиб ўтганлар орасида Абдулазиз Йўлдошев ҳам бор эди. У биринчилардан бўлиб алоқа кабелини тишлаганича душман эгаллаган соҳилга олиб ўтган ва алоқани ўрнатишда катта хисса қўшган эди. Унга СССР Олий Совети Иттифоқи қаҳрамони унвони берилган эди. Украина ва Белоруссия партизанлари Гомель шаҳрини фашистлардан озод қилишда айниқса фаол иштирок этдилар.

1943 йил 26 ноябрда улар Гомелга олиб борадиган темир йўлнинг муҳим участкасини эгаллаб Совет Армияси етиб келгунча қўлларида ушлаб турдилар. Совет Армиясининг кетма-кет ғалабалари билан бир вақтда партизанлик ҳаракатлари оммавий тус олди. Партизан бирлашмаларида жангчилар сони кун сайин ортиб борар ва ўтказилган мувоффақиятли операциялардан кейин партизанлардан 100 нафардан ортиғи давлат орден ва медаллари билан мукофатланар эди. 1944 йилда душман қўшинини 4-5 баравар кўпроқ йўқ қилдилар.

1944 йилда партизанлик ҳаракати янада юксалиб борди. Партизан ҳаракатининг Москвадаги маркази 1944 йил январь ойига келиб (уни партизанлар “Большая земля”- “Катта ер” дейишар эди) 1116 партизан отряди билан икки томонлама алоқага эга эди. Бу алоқалар радиостанциялар, алоқачилар ва авиация орқали амалга оширилар эди. Партизанлар шу йўл билан зарур нарсаларни, буйруқ ва кўрсатмаларни ўз вақтида олиб турар эдилар. Муҳим разведка маълумотларини марказга етказиб турар эдилар. Украинада 180000 ва Белоруссияда 1944 йилнинг ёзида 191000 партизан фаолият олиб борар эди.

Уларнинг 250 минг кишилиқ резерви ҳам бор эди. Яна 8000 партизан немислардан қочиб ўрмонларда яшаётган аҳолини кўриқлаб турар эди.⁴⁴ Белоруссия ва Украина партизанлик ҳаракати марказлари тинч аҳолини душмандан сақлаш чоралари деган буйруқ асосида ҳам фаолият олиб бордилар. Ҳар бир партизан отряди қайси қишлоқни химоя қилиш белгиланган бўлиб хавф хатар туғилганда қандай қилиб қишлоқдан олиб чиқиб кетиш йўлларини билар эдилар. Минск шаҳрининг жанубий шаҳар олди зонасида 5000 дан ортиқ оила паноҳ топган эди.

1944 йилнинг апрель ойида Полоцк-Лепельск зонасидаги 17000 аъзоси бўлган партизан бирлашмасига қарши фашистлар кучли жазо армиясини юбордилар. Унда 60000

⁴⁴ Партизанское движение в Великой Отечественной войне // Советская военная энциклопедия. / ред. Н. В. Огарков. том 6. - М.: Воениздат, 1978. – С.305-306.

дан ортиқ солдат ва офицерлар бор эди. Замбараклар ва танклар ишга солинган эди. Бу фашист қўшинларига авиация ҳам қўмакка юборилган эди. Ўртадаги жанглар 25 сутка давом этди. 4 майга ўтар кечаси партизанлар немислар блокадасини ёриб ўтиб яна унинг орқасига ўтиб олди. Бу ёриб ўтиш даврида ҳар икки томон катта талофат қўрди. Аммо партизанлар ўзлари билан 15 минг аҳолини ҳам қуршовдан олиб чиқдилар. Бу жанглар пайтида “катта ер” партизанларни зарур нарсаларни самолётлар орқали етказиб берди. Жумладан, 215 тонна ўқ-дори, қуроллар келтирилди.

Уруш ҳаракатлари олиб борилаётган зонадан 1500 ярадорлар олиб чиқилди. Совет авиацияси жазо отрядларига ҳаводан ҳужумлар уюштириб партизанларга ёрдам бериб турди.

Оғир шароитларда ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаб бордилар. Украина, Белоруссия, РСФСР, Болтиқбўйи партизанлари биргалашиб, хабарлашиб ҳаракат қила бошладилар. Бир бригадага вазият оғирлашганда бошқа отрядлар дарҳол ёрдамга келдилар. Украина ва Белоруссия партизанлари 1944 йилнинг июнь ойида ва июль ойининг бошларида Совет Армиясининг ҳужум режасига асосланган ҳолда чекинаётган душман фойдланаётган темир йўллардан 60 минг рельсни портлатиб қўплаб эшелонларни ағдариб ташладилар. Немисларнинг “Марказ” армияси транспорт бошқармаси бошлиғи полковник Г.Тескеннинг айтишича “Белоруссияда немис поездлари бутунлай тўхтаб қолган вақтлар жуда кўп бўлган. Партизанлар пухта режалаштирилган, кучларини ўринли тақсимлай олган ва мунтазам ҳаракатдаги армия билан яқин алоқада бўлган ҳолда ҳаракат қилган”.

Украина ва Белоруссиядаги барча шаҳарларни озод қилишда албатта партизанлар иштирок этдилар. Партизанлар энди ошқора чекинаётган душманга орқасидан сезиларли зарбалар бердилар. Қатор аҳоли пунктларини партизанларнинг ўзлари душмандан озод этдилар. Бобруйск шаҳрининг ғарбида, Минскнинг шарқида душман қўшинини қуршаб олиш операциясида фаол иштирок этдилар.

Полесье, Жанубий Минск, Пинск, Брест, Белосток партизан бирлашмалари ўз фаолиятлари билан 1-Белоруссия фронти ҳужум операциялари учун яхши шароитлар яратиб бериб турдилар.

Белорус партизанлари чекинаётган душманга Птичь дарёсидан кечиб ўтиш жойида катта зарар келтирдилар. Бу ерда партизанлар фашистларнинг 129 пиёдалар дивизиясини бутунлай йўқ қилдилар. Киев жанубидаги партизанлар Пуховичи районидаги Свислочь дарёсидаги кечув жойини Совет Армияси етиб келгунча ушлаб турдилар. Совет Армияси етиб келгандан кейин эса қўприкларни тиклаш, йўлларни тузатиш ишларини ҳам бажардилар.

Александр Невский номли, Пархоменко номли, Чкалов номли, Ворошилов номли, “Буревестник”, Калинин номли, Сталин номли, “Белорусь” номли отрядларпартизанлари Старобик,Копиль, Красная слобода, Узду ва Руденск районларини душмандан озод қилдилар.

Фрунзе номли, Рокоссовский номли, Суворов номли партизан бригадалари мунатазам армия билан биргаликда Слуцк, Греск, Дзержинск шаҳарларини душмандан озод қилдилар.

Пинск партизанлар бирлашмаси генерал П.А.Белов қўмондонлигидаги 61-армия билан биргаликда Пинск шаҳрини озод қилдилар. 14 июнга ўтар кечаси (1944 й) штурм бошланди. Армияга бир томондан партизанлар, иккинчи томондан Днепр флотилияси ёрдам бериб турди. В.З.Корж раҳбарлигидаги Пинск партизанлар бирлашмаси бошқа аҳоли пунктларини озод қилишда ҳам фаол иштирок этди.

Генерал-майор В.З.Корж Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонига сазовор бўлган эди. 61-армия Брест партизанлари билан ҳамкорликда Кабрин шаҳрини душмандан озод қилди.

Белостон партизанлари 137 ва 69-гвардиячи ўқчи полклар билан ҳамкорликда Беловежская Пушчанинг жанубий қисмини душмандан озод қилди. Кутузов номли отряд 170 ўқчи дивизия билан душманнинг Мядие деган жойидаги горнизонини тормор келтирди. Область партизанлари “рельс уруши”нинг учинчи босқичини муваффақиятли ўтказдилар. Улар 230 жанговар операция ўтказиб душманнинг бир неча минг аскарини сафдан чиқарди

Хужум қилиб келаётган Совет Армияси учун партизанлар 312 кўприк қуриб бердилар. Барановичи область партизанлари душманнинг чекинаётган 217 пиёдалар полкини енгиб кўплаб солдат ва офицерларини асир олдилар. Улар Слуцк-Брест тош йўлидаги Шару дарёсига қурилган кўприкни эгалладилар ва душманнинг барча хужумларини қайтариб турдилар. Мунтазам армияни Буч дарёсидан ўтадиган хавфсиз жойлар орқали олиб ўтдилар.

2-Белоруссия фронтининг ҳарбий кенгаши партизанлар душманнинг марказий гуруҳ қўшинларини енгишда Украина ва Белоруссияни фашизмдан озод этишда катта хисса қўшдилар деб эътироф этган эди. Южорида санаб ўтилган улуғвор операцияларини ўтказган, мунтазам армия ғалабаларига улкан хисса қўшган партизанлар 1944 йил ёзидан бошлаб армия сафларига қўшила бошладилар. (Албатта бу ўринда партизанларнинг ёши, соғлиғига катта эътибор қилинди) 10 минглаб Украина партизанлари мунтазам армия сафида Европа томон йўл олдилар.

Партизан отрядларининг фаолиятига тан берган немис саркардалари бу ҳақда кўп марта гапирганлар:

“Урушнинг чўзилиб кетишига, фронтларда жанглارнинг жуда қаттиқ бўлишига, совет жангчиларининг руҳини кўтарилишига партизанлар ҳаракати катта таъсир кўрсатди”.⁴⁵

“Қўшинлармизининг орқа томонида бўлган партизанлар жуда катта хавф туғдирди. Улар билан жиддий кураш олиб бориш учун босиб олинган ҳудудларга катта кучларни олиб келишга мажбур бўлдик. Айрим қисмларни фронтдан олишга ҳам мажбур бўлдик”, - деган эди немис генерал полковниги Рендулич.

Душман ортидаги партизан отрядларида, бирлашмаларида, яширин ташкилотларида 1 миллионга яқин совет ватанпарварлари фаолият олиб бордилар. Бу ҳисобга партизанлар резервида турган 100 минглаб кўнгиллилар киритилмаган.

Партизан отрядлари интернационал ҳарактерда эди. Белоруссия партизанларининг 71,23% белоруслар, 19,2% руслар, 9,53% бошқа миллатлардан эди.

Қўлга қурол олиб курашганлардан ташқари душман босиб олган районлардаги саботаж, ғалла учун кураш, партизанларга ва мунтазам армияга нон етказиб бериш, кийим-бош етказиб бериш, разведка маълумотлари етказиб бериш ишлари умумхалқ курашининг ажралмас қисми бўлди. Бунга яна моддий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ҳам киради, чунки фашистлар чекиниш олдидан олиб кетишга ёки йўқ қилиб юборишга ҳаракат қилар эдилар. Бу ишлар билан миллионлаб кишилар шуғулланган эдилар.

Уруш ҳаракатлари Совет Иттифоқи ҳудудидан Европага кўчгандан кейин фашистлар босиб олган мамлакатлар партизанлари сафларида совет партизанлари ишпирок этдилар.

Партизанлик ҳаракатлари душман босиб олган ҳудудларнинг барчасида бошланди. Бу ишда биз партизанларнинг фаолиятига тўхталар эканмиз, бу ҳаракатнинг мамлакатдан ташқарида ҳам содир бўлганлигини таъкидлаб қўймоқчимиз.

Айниқса Украина ва Белоруссия ҳудудида кенг қулоч ёйди. Бошқа мамлакатлардаги партизанлик ҳаракатлари ҳақида гапирганда эса Югославия ва италиядаги партизанлик ҳаракатларини эслаб ўтиш зарур.

II жаҳон урушида Югославия мамлакат аҳолисининг ҳар 10 тадан бирини йўқотиб 1 миллион 700 минг қурбон берди. Урушда 46 миллиард доллар зарар кўрди. Партизанлик ҳаракатида эса 800 минг нафар аҳоли қатнашди.

⁴⁵ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Советские_партизаны_в_Великой_Отечественной_войне&oldid

Партизанлик ҳаракати аввало барча ҳудудларда халқ лашкари кўринишида, ёвуз душманга нисбатан қасоскорлик кўринишида содир бўлди.

Душман босиб олган вилоятларни бирортаси ҳам бу ҳаракатлардан четда қолмади. Дастлаб кичик гуруҳлар, отрядлар кўринишда бўлган қасоскорлар кейинчалик йириклаша ва марказлаша бошлади. Йирик партизан отрядлари душманга даҳшат сола бошлади: “Кўприк” операциялари душманнинг қурол-аслаҳа, озиқ-овқат ва ёрдамчи кучлари ўтадиган энг зарур кўприкларни портлаб фронт чизигидаги душман қўшинларини сезиларли даражада заифлаштирди. “Рельс уруши” операцияси эса душман поездлари юрадиган темир йўлларни мунтазам ишдан чиқара бошлади, эшелонларни ағдариб ташлай бошлади. Душман бир неча 100 километрли темир йўлларни ҳар қадамига соқчи қўйиб 10 минглаб қўшинларини шу ишга сафарбар қила бошлади. Аммо бу чоралар ҳам душманга ёрдам бермай қўйди. Партизанлар усталик билан ҳар куни 10лаб душман эшелонларини портлатиб юбора бошладилар. Айниқса, “магнит миналар” ишлаб чиқарилгач партизанларнинг ишлари янада қулай бўлиб қолди. Магнитли мина поездларга тош ва темир йўлларни назорат қилиб турган, мунтазам армия билан яқин алоқда фаолият олиб борган партизанлик ҳаракатини сабаб қилиб кўрсатадилар.⁴⁶

Киев области партизанлари кенг алоқалар ўрнатиб 14 шаҳар ватанпарварлари билан биргалашиб ҳаракат қилдилар. Шаҳарлардан ташқари 600 га яқин қишлоқлар билан алоқа қилар эдилар. Бу алоқалар партизан отрядларига кўплаб одамларни сафарбар қилар эдилар. Душмандан тортиб олинган 20 та пулмёт, 2 мингдан ортиқ милтиқ ва автоматлар, кўплаб портлатувчи мосламалар партизан отрядларига юбориб турилди.

Одесса подпольеси таркибида 240 аъзо бор эди. Улар 1943 йилда шаҳардаги энг машҳур ва баланд Успенский собори тепасига қизил байроқ ҳам тикиб қўйган эдилар.

Украинада фашистлар жуда оғир жазо экспедициялари ўтказар, партизанларни йўқ қилишга ҳаракат қилар эдилар. Бутун Украина бўйлаб босиб олинган ҳудудлардаги завод ва фабрикаларни немисларга ишлашга мажбур қилар эдилар. Ишчилар эса бу корхоналарда ишлаб чиқаришни бузишга ҳаракат қилар эдилар. Бу ҳол корхонани маълум муддатга тўхтатиши билан бирга кўплаб ишчиларни отиб ташланишига олиб келар эди.

Днепродзержинск ишчилари эса заводлардаги саботажлар сабабли кунлик нормаларини 8-10% гагина бажарар эдилар. Днепродзержинск партизанлари эса душман қамоқхоналаридан 800 дан ортиқ ҳарбий асирларни озод қилдилар. Озод қилинганлар дарҳол партизан отрядларига келиб қўшилар эдилар.

⁴⁶ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Операция_«Рельсовая_война»&oldid

Крансодан шахридаги “Ёш гвардия” ташкилоти эса қўплаб душман солдат ва офицерларини ўлдирдилар, ҳарбий асирларни душман лагерларидан озод қилдилар. Ёш гвардиячиларнинг қўплари душман қўлига тушиб отиб ташландилар. Улардан Олег Кошевой, Сергей Тюленин, Иван Зеленухов, Люба Шевцоваларга ўлимидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган эди.

Украина партизан отрядлари 1943 йилга келиб уюшган, яхши алоқада бўлган армия даражасига етди. Уларнинг сафларида 43500 аъзо бор эди. Партизанлар қутилмаган жойда бехосдан пайдо бўлар ва душманга катта зарар келтирар, солдат ва офицерларни кириб ташлар эдилар.

Аммо душман ҳам бунга бефарқ қараб турмас эди. Партизанларга қарши жазо отрядлари”га тобора кўпроқ қўшинлар ажратар эди. Масалан, бир ўрмондаги партизан отрядини ўраб олиш учун 1943 йилда 10 дивизияни сафарбар қилган эди. Бу операцияда танклар ва самолётлар ҳам ишга солинган эди. Бундан иккинчи бир хулоса қилиш мумкинки, қиш совуғи, баҳор-куз ёмғирлари остида, ўтиб бўлмас ўрмонларда ва ботқоқликларда яшаш, курашиши партизанлардан сабр-тоқат, чидам, матонат талаб қилар эди. Бу қийинчиликларга бардош берган партизанлар эса “катта ер” нинг талаби асосида фаолият юргизишга мажбур бўлар эдилар. Партизан отрядлари мавжуд бўлган ўрмонлар атрофлари немислар томонидан қалин миналаштирилар эди. Немис самолётлари бу ўрмонларни тез-тез бомбардимон қилиб турар эди...

В.Е.Чернишев бошчилигидаги Барановичи партизан отрядига қарши генерал-майор Готеберг бошчилигида 50 минг солдат ва офицер юборилди. Жанглар бир ой даом этди. Немислар 3000 аскар йўқотиб қайтиб кетишга мажбур бўлди. Ғазабланган фашистлар 150 қишлоққа ўт қўйиб юбордилар, 100 лаб кексалар, болалар ва аёлларни отиб ташладилар.

Германия ўз қуролли кучларининг 10% ни партизанларга қарши қўйишга мажбур бўлган эди.

Душманга қарши партизанлар курашининг кенг тарқалган усули душман ортига рейдлар уюштириш бўлган эди. Бу рейдлар айниқса Украинада кўп марта амалга оширилди. Масалан, Червоное қўлидан бошланган рейд Киев яқинигача давом этди. Кейин бу рейд Суми, Полъесе, Ровно, Львов, Тернопол, Станислав областлари бўйлаб давом этган эди. Бу рейд давомида партизанлар 2000 км масофани жанглар билан босиб ўтдилар.

Наумов М.И. бошчилигидаги партизан отряди ўз рейдини Суми, Полтава, Кировоград, Одесса, Виннеца, Киев йўналишида олиб бордилар.

Мельнин Я.И, Бурченко Д.Т. бошчилигидаги отряд Польесе, Житомир, Виннеца, Каменец-Подольск йўналишида рейд ўтказган эди.

Бу рейдлар ўз операцияларини ўтказиш билан кифояланиб қолмас эди. Рейдлардан хабар топган шаҳарлар ва қишлоқлар аҳолиси ҳам ўз фаоллигини оширар, душманга турли кўринишда зарбалар берар эдилар. Партизанларнинг бу ҳаракатлари кўпинча мунтазам армия билан келишилган, режалаштирилган ҳолатда олиб борилар, фронтлардаги ғалабаларга муносиб ҳисса бўлиб қўшилар эди.

Партизанлари темир йўллар, тош йўллар, заводларда диверсияларни кучайтириб юбордилар. Бу ўринда поездларга қарши секин ишга тушадиган янги миналар жуда қўл келди. Бу ўринда Вигоник темир йўл кўпригини портлатилиши муҳим аҳамият касб этди. 1943 йилнинг 8 мартада Шорс номли партизан отряди партизанлари Кравцов номли ва Ворошилов номли отрядлар ёрдамида 800 кг тротил ўрнатиб портлашни амалга оширдилар. Бу душман поездларини узоқ муддатга тўзтаб қолишига олиб келди.

Украина партизанлари Киев-Житомир-Ровно темир йўлида, Чернигов-Киев, Львов-Ровно, Житомир-Коростень, Ковель-Сарни, Ковель-Брест йўналишларида кўплаб портлашлар ўтказилиб эшелонлар ағдариб ташланди. 1943 йилнинг II ярмида 3200 поезд ағдариб ташланди. Шу муддатда мингга яқин темир ва тош йўл кўприклари портлатиб юборилди. Бу кўприklar билан бирга 6 мингга яқин душман автомобиллари портлатиб юборилди.⁴⁷

Партизанлар ҳаракатининг Украина штаби ихтиёрида 1943 йилнинг охирида 43,5 минг жангчи бор эди. Аммо жуда кўп партизан отрядлари бу ҳисобга кирмаган ва мустақил ҳаракат қилар эдилар.

Олий Бош Қўмондонлик кўрсатмаси асосида 1943 йилнинг ёз-куз компаниясида, айниқса, Курск жанги олдиан Марказий партизанлар штаби Украина партизанлари штаби билан биргаликда келишиб ҳаракат қилиш режасини ишлаб чиқдилар. Орёл ва Харьков вилоятларидаги асосий тош ва темир йўлларни бутунлай издан чиқариш режалаштирилган эди. Биргаликдаги ҳаракатлар душман қўшинларининг таъминотини сезиларли даражада издан чиқарди. Душманга қарши ўтказилаётган диверсион ҳаракатлар оммавий тус олди. Разведка маълумотлари тезлик билан мунтазам армия қўмондонлигига етказиб турилди.

Курск-Орёл остонасида Совет қўшинлари қарши ҳужумга ўтган вақтда эса душман қўшинининг тартиб билан чекинишга имкон берилмади, душманнинг чекиниш йўллари

⁴⁷ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Советские_партизаны_в_Великой_Отечественной_войне&oldid

партизанлар томонидан тўсиб қўйилди. Шаҳар ва кишлоқларни озод қилишда партизан отрядлари фаол иштирок этдилар. Умуман ёзги операциялар пайтида душманнинг 1600 эшелони ағдариб юборилди. Партизанлар фаолияти гитлерчиларнинг “Цитадель” операциясини деярли барбод қилдилар.

“Рельс уруши” нинг биринчи босқичи 1943 йилнинг август ойида амалга оширилди. Бу даврда 215 минг рельс бузиб ташланди.

Гитлерчилар йўллар бошқармаси маълумотида кўра “1943 йилнинг 15 сентябридан 16 сентябрга ўтар кечасининг ўзида қуйидаги воқеалар содир бўлди: 1103 ерда рельслар портлатилди. 65 оғир юкли эшелонлар ағдарилди, поездларга 38 марта хужум уюштирилди, 171 жойда поезд йўллари тўсиб қўйилди” дейилади.

Гитлерчилар ҳисоботида 1943 йилнинг 19 сентябрида, яъни аввалгисидан 3 кун кейин “40 поезд ағдарилди, 44 жойда рельслар бузилди, поездларга 18 марта хужум қилинди, 1100 жойда портлашлар содир этилди” дейилади.

“Рельс уруши” операциясининг иккинчи босқичи “Концерт” деб номланган эди.⁴⁸ Бунга кўра операция майдони кенгайди, портлашлар рельсларни бузиш ишлари янги вилоятларга кўчирилди. Рельс урушининг биринчи босқичида 170 партизан бригадалари катнашган бўлса, иккинчи босқичда 193 партизан бригадаси иштирок этди. Бу бригадалардаги қўшинлар сони 120 мингдан ортиқ эди. Улар рельсларни 211 жойидан бузиб ташладилар.

Украина партизанлари ўз фаолиятларини мунтазам армия билан янада кенгроқ ҳолда боғлаб олиб бора бошладилар. “Совет қўшинларининг Курск-Орёл, Харьков йўналишидаги ғалабаларига кўп жихатдан партизан отрядларининг муваффақиятли операциялари сабаб бўлди”.

1943 йил сентябрь-октябрь ойларида Днепр дарёсидан кечиб ўтиш пайтида партизан отрядлари фаолиятини мувофиқлаштириш режаси ишлаб чиқилди. Киев яқинида Днепрдан кечиб ўтиш операциясига 1700 қўшини бўлган партизан бирлашмалари жалб этилди. Партизанлар душманнинг кечув жойларини вайрон қилдилар. Ўқ-дори ва озиқ-овқат омборларини портлатиб юбордилар, мунтазам армия қисмларига эса кечув жойларининг энг қулай нуқталарини топиб бердилар.

Партизанлар совет армияси қисмларининг ўз хужумаларини тез ўтказиш учун Днепр дарёсидан ташқари Десна, Припять дарёларида кечув жойлари тайёрлардилар, бу кечувларнинг сони 25 дан ортиқ эди. Мунтазам 13-Армия қисмлари шундай кечувлардан

⁴⁸ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Операция_«Рельсовая_война»&oldid

фойдаланиб душман кутмаган пайтда Овруг шахри яқинида пайдо бўлди ва шахарни вайрон қилинишдан сақлаб қолдилар.

Овруг учун бўлган жангларда Ян Наленка бошчилигидаги слован партизан отряди ҳам иштирок этди. Овруг операциясида қатнашган қўшинлар ва партизанлардан 180 нафари орден ва медаллар билан мукофотланганлар.

1943 йилнинг 9 декабрида Знаменка темир йўл узели учун бўлган жангларда мунатазам армия қисмлари билан бирга партизанлар фаол қатнашдилар ва темир йўл узелини қўлга киритдилар. Знаменка узели орқаси Днепропетровск, Николаев, Кривой Рог, Одесса, Киев поездлари ўтар эди.

Иккинчи жаҳон урушида 185 минг партизан СССРнинг орден ва медаллари билан мукофотланган, 230 дан ортиқ киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Қуйида улардан айримларининг исми-шарифини келтирамиз:

- С. А. Ковпак – икки марта
- А. Ф. Фёдоров – икки марта⁴⁹
- П. М. Машеров
- К. П. Орловский
- А. Д. Бондаренко
- Б. А. Булат
- Н. Г. Васильев
- С. А. Ваупшасов
- П. П. Вершигора
- А. И. Волынец
- А. В. Герман
- А. М. Грабчак
- М. И. Дука
- Д. В. Емлютин
- К. С. Заслонов
- Н. Ф. Королёв
- И. Д. Кудря
- В. А. Лягин
- Д. Н. Медведев
- Е. И. Мирковский

⁴⁹ Дважды Герои Советского Союза. - М.: Воениздат, 1973.

- В. А. Молодцов
- М. И. Наумов
- В. Л. Неклюдов
- Ф. И. Павловский
- Г. Ф. Покровский
- Н. П. Покровский
- Н. Н. Попудренко
- Н. А. Прокопюк
- М. С. Прудников
- А. М. Рабцевич
- В. Д. Ревякин
- М. П. Ромашин
- С. В. Руднев
- А. Н. Сабуров
- В. П. Самсон
- С. И. Сикорский
- Ф. М. Синичкин
- Ф. Е. Стрелец
- И. Ф. Титков
- В. А. Тихомиров
- Б. В. Урбанавичус
- Е. Ф. Филиппских
- В. З. Царюк
- В. Е. Чернышёв
- Г. И. Шелушков
- А. Н. Шихов
- М. Ф. Шмирёв
- А. И. Щербак
- В. М. Яремчук ва бошқалар.⁵⁰

Партизанлик ҳаракати иккинчи жаҳон урушида интернационал характер касб этди. Совет партизанлари билан биргаликда умумий душманга қарши кўпгина ажнабий

⁵⁰ Герои Советского Союза. Краткий биографический словарь. Т.1. - М.: 1987.

антифашистлар кураш олиб бордилар. Улардан чехословак ватанпарвари Ян Налепка ва немис антифашисти Фриц Шменкеллар ўлиmidан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишди. Кўпгина совет партизан отрядлари Шарқий ва Жануби-Шарқий Европа халқларига ёрдам берди. Бу отрядларга Х.Н.Асмолов, В.А.Карасев, П.А.Величка В.Квитинский ва бошқа кўпгина талантли партизанлар бошчилик қилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги партизанлик ҳаракатида СССРда яшайдиган барча халқларнинг фарзандлари, жумладан ўзбек халқининг фарзандлари қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Масалан, фарғоналик Мамадали Топиболдиев Белоруссияда, сайрамлик Зиямат Ҳусанов (Совет Иттифоқи Қаҳрамони) Болгарияда бу ишда шухрат қозонди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида немис ва япон босқинчилари томонидан оккупация қийнган Европа ва Осиё мамлакатларидаги территорияларда ҳам партизанлик ҳаракати вужудга келди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Вьетнам, Жазиор (1954-1962), Латин Америкаси, Африка мамлакатларида партизанлик ҳаракати кенг тарқалди. Кубадаги халқ революцияси ҳам партизанлик ҳаракати шаклида ривожланди.

Умуман партизанларнинг 1941-45 йиллардаги фаолияти жаҳон тарихчилари томонидан айтилган: “Совет Иттифоқининг урушдаги асосий омилларидан энг муҳими партизанлик ҳаракатининг кенг ёйилиши ва мувофиқлаштириш бўлди” деган фикрининг яна бир исботи бўлди.

ХУЛОСА

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини эълон қилгач жамият ижтимоий сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида кенг ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Бу жараён интеллектуал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Чунки собиқ иттифок тарихшунослиги томонидан илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилган мавзулар маънавий жиҳатдан яроқсиз ҳолда эканлиги иккинчидан эса тарихни

ўрганишдаги кўпгина масалаларни тарихни “қора доғ”лари сифатида талқин қилиниши мустақилликнинг илк кунлариданоқ қилиниши лозим бўлган долзарб масалага айланди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан сўнг жамият ижтимоий сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида кенг ўзгаришлар даври бошланди. Бу жараён интеллектуал соҳада ҳам ўз аксини топди.

Энг асосий ижтимоий гуманитар фан ҳисобланган тарих фани олдида ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Оқибатда совет тарихшунослиги нуқтаи назаридан ўрганилган мавзулар қайтадан илмий тадқиқот сифатида ўрганила бошланди.

Бундан ташқари тарихнинг “оқ доғлари” сифатида ўрганилмаган мавзуларни тадқиқ қилиш имконияти қўлга киритилди. “Дунё харитасида янги мустақил давлатлар пайдо бўлди, улар ҳозирги тил билан айтганда социалистик ўтмишга эга бўлган ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлардир. Бу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни яхшилаш йўлига қадам қўйди. Улар дунёдаги бошқа мамалакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интиломокда”⁵¹.

Ҳозирда тарихимизнинг мустақиллаштириш давларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Иккинчи жаҳон уруши тарихини ўрганиш ҳам илмий ҳамда амалий аҳамият касб этади.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихида энг йирик ва ҳалокатли уруш ҳисобланади. Ушбу урушда 61 давлат у ёки бу даражада иштирок этди. Бу ер юзи аҳолисининг 80% дан зиёди демакдир. Жанговар ҳаракатлар 40 мамлакат ҳудудида бўлиб ўтди. Уруш йиллари 50 миллион киши ҳалок бўлди, 12 миллион дан ортиқ одам ўлим лагерларида ўлдирилди, 95 миллион киши ногирон бўлиб қолди. Урушда иштирок этган давлатларнинг ҳарбий ҳаракатлари 1.117 миллиард долларни ташкил этди.

Совет Иттифоқининг иккинчи жаҳон урушида қозонган ғалабаси мавзuida минглаб асарлар яратилган. Бу асарларда умумхалқ ҳаракати бўлган партизанлик ҳаракатига катта ўрин берилган. Бу мавзуда чет эл тарихчилари ҳам илмий изланишлар қилганлар.

Ҳарб давлатлари тарихчиларининг катта қисми урушда Совет Иттифоқи ғалабаларининг сабабларини қидиришга, очиб беришга ҳаракат қилиб қатор хулосаларга келганлар:

1. Совет Иттифоқидаги мустақам интизом урушдаги ғалабанинг асосий сабаби дейилади.

⁵¹ Каримов. И. А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида, ҳавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. - Тошкент. 1997. - Б.137.

2. Уруш ҳаракатлари бораётган ҳудудлардан саноат корхоналарининг мамлакат ичкарисига, Урал, Сибирь ва Ўрта Осиёга кўчирилиши, қисқа фурсатда ишга туширилиб маҳсулот бера бошлашини асосий сабаб қилиб кўрсатдилар.

3. Урушдаги ғалабанинг асосий сабабларидан бири совет разведкасининг фаолияти деб кўрсатадилар.

4. Ғарб тарихчилари “Ленд-лиз” (фоизсиз ва муддатсиз) қонуни асосида берилган АҚШ ёрдами ғалабани таъминлади деб ёзадилар.

5. Бир гуруҳ олимлар эса ғалабанинг асосий сабабчиси қилиб фақат 1944 йилга келиб очилган иккинчи фронт масаласини кўрсатадилар.

6. Кўплаб тарихчи олимлар эса ер шари куруқликдаги қисмини ойидан бирини эгаллаган бепоеъ мамлакатда тош ва темир йўлларни асосий қисмини назорат қилиб турган, мунтазам армия билан яқин алоқда фаолият олиб борган партизанлик ҳаракатини сабаб қилиб кўрсатадилар.

Иккинчи жаҳон уруши давридаги партизанлик ҳаракати СССРнинг немис-фашист босқинчилар томонидан вақтинча оккупация қилинган территориясида Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган умумхалқ курашига айланди. Уруш даврида душман ичкарисида 1 млн. дан ортиқ партизан ва кўп минг кишилик яширин ташкилотлар ҳаракат қилди. Уларни ўн миллионлаб ватанпарварлар қўллаб-қувватлади. Совет партизанлари томонидан 1 миллионга яқин фашист ва уларнинг қўмакчилари янчиб ташланди ва асир олинди. 4 мингдан ортиқ танк ва бронемашина, 1600 дан кўпроқ темир йўл кўприклари ишдан чиқарилди, 20 мингдан ортиқ темир йўл эшелонлари ҳалокатга учратилди. 1941 йил 29 июнда СССР Халқ Комиссарлари Совети ВКП(б) МК жойлардаги партия ва совет ташкилотларига душманни тор-мор келтириш ҳақидаги директивани жўнатди. Директивада кўрсатилишича, урушда совет халқининг умумий вазифаси билан бирга партизанлик ҳаракатини кенг авж олдириш программаси ишлаб чиқилганди. 1941 йил 18 июлда ВКП(б) МК «Германия қўшинларининг орқасида курашни ташкил қилиш ҳақида» махсус қарор қабул қилди. Бу қарорда подполье ишлари ва партизанлик ҳаракатини республика, вилоят, шаҳар ва район партия ташкилотларининг раҳбарлари бошқариши кераклиги кўрсатилди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг душманга қарши умумхалқ курашига отланишга чақириб қилган мурожаатига жавобан оккупация қилинган территорияларда партизан отрядлари тузила бошлади. 1941 йилнинг кузида 10 вилоят комитети, 260 дан ортиқ округ, шаҳар ва район комитетлари яширин ташкилотлари иш бошлади. 1943 йил кузига келиб 24 вилоят, 370 дан ортиқ округ, шаҳар, район ва бошқа органларнинг комитетлари душман орқасида кураш олиб борди.

Белоруссия ва Ленинград, Калинин, Смоленск Орёл вилоятларининг ўрмонли районларида партизанлар қўл остидаги зоналар, ўлкалар ҳосил бўлди. Брянск ўрмонларида орёллик, брянслик партизанларнинг асосий кучлари ва С.А.Ковпак, А.Ф.Фёдоров, А.Н.Сабуров ва бошқалар қўл остидаги Украина партизанларининг йирик қўшилмалари ўрнашган эди.⁵²

1941 йилнинг охири ва 1942 йилнинг бошларида Минск, Смоленск, Киев, Одесса, Днепропетровск, Каунас, Краснодар, Людинов ва бошқа ерларда яширин партия ва комсомол ташкилотларининг фаолияти бошланди. Партизанлик ҳаракатини совет қўшинлари ҳаракати билан мослаштириш мақсадида 1942 йил 30 майда Давлат Мудофаа Комитети Олий Бош қўмондонлик ставкаси қошида партизанлик ҳаракати Марказий штаби тузилди ва штаб бошлиғи этиб П.К.Пономаренко тайинланди.

1942 йилнинг ёзида партизанлик ҳаракати штаблари ҳисобида турган партизан отрядларининг 30%и «Катта ер» билан радиоалоқа қилиб турган бўлса, 1943 йилнинг ноябрига келиб 94% отряд партизанлик ҳаракати раҳбар органлари билан радиоалоқада бўлган. 1943 йилда фақат узокқа учувчи авиация ва граждан ҳаво флоти томонидан душман орқасига 12 мингдан ортиқ самолёт учган (шундан ярми партизанларнинг аэродром ва майдонларига қўнган). Уруш йилларида мамлакат ичкарасидаги партизанлик мактаблари ва ўқув пунктларида 30 мингга яқин командирлар ва мутахассислар тайёрланди.⁵³

Иккинчи жаҳон урушининг учинчи даври (1942 йил ноябрь - 1943 йил декабрь)да партизанлик ҳаракати янада авж олди. 1943 йилга келиб, Беларуссиянинг 60 дан зиёд жойида партизанлар актив ҳаракат олиб бордилар. Курск жанги давомида ва совет қўшинларининг кейинги ҳужум операциялари вақтида партизанлар «рельс уруши»ни кучайтирдилар. Душман оккупация қилган территориялардаги темир йўл коммуникацияларига йирик кучларини сафарбар этишга мажбур бўлди. Уруш тажрибасининг кўрсатишича гитлерчилар ҳар 100 км темир йўлни қўриқлашда бўш ҳимоя учун 1 батальон, кучли ҳимоя учун 1 полк, баъзида эса партизанларнинг фаол ҳаракати натижасида ҳар 100 км темир йўлга 2 полкни сафарбар этишга мажбур бўлганлар.

1944 йил партизанлик ҳаракати Беларуссия ва РСФСРнинг қатор областларида, айниқса, кескинлашди. Партизанлар душман коммуникацияларига ҳужум қилиб, Германияга жўнатилаётган моддий ва маданий бойликларни олиб қолиш, асирларни қутқариш ишларини авж олдирдилар. Озод қилинган территориялардаги партизанлар

⁵² http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Советские_партизаны_в_Великой_Отечественной_войне&old id

⁵³ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Советские_партизаны_в_Великой_Отечественной_войне&old id

мунтазам армияга қўшилиб жанг қилдилар. Брянск, Вильнюс, Витебск, Ворошиловград, Гомель, Днепропетровск, Жлобин, Каунас, Керчь, Киев, Кировоград, Краснодар, Львов, Мипск, Могилев, Николаев, Новороссийск, Одесса, Псков, Симферополь, Смоленск, Таганрог, Харьков ва бошқа бир қанча шаҳарларнинг яширин ташкилотлари муваффақиятли иш олиб бордилар.

Доимий қўшинлар жанговар топшириқларни амалга оширишида партизанларнинг рейдлари катта аҳамиятга эга бўлди. 1942 йил октябрнинг охирида С.А.Ковпак ва А.Н.Сабуров қумондонлигидаги партизанлар Брянск ўрмонларидан рейд уюштириб, ноябрнинг ўрталарига келиб ўнг қирғоқ Украинагача бўлган 700 кмли масофани босиб ўтдилар. 1942-1943 йилларнинг кишида С.А.Ковпак, Я.И.Мельник, М.И.Наумов ва А.Ф.Фёдоровлар қумондонлигидаги рейдлар душманга кучли зарба берди. Қизил Армиянинг 1941-1942 йилги кишки ҳужуми даврида партизанларнинг доимий қўшинлар билан биргаликда олиб борган ҳаракати кенгайди. Партизанлар душман коммуникациялари штаб ва омборхоналарига кучли зарбалар бериш билан бирга, аҳоли пунктларини душмандан озод этишда, душман объектларига совет авиацияларини бошқаришда яқиндан ёрдам кўрсатдилар. 1942 йилнинг ёзида партизанлик ҳаракати душманнинг 24 дивизиясини чалғитди. Партизанлар томонидан шу йили августда 148 та, сентябрда 152, октябрда 210, ноябрда 238 темир йўл эшелонлари ҳалокатга учратилди.

1944 йил июнь ўрталарида Белоруссия территориясида 150 бригада ва 49 отряд составида 143 минг кишидан ошқ (резервдаги 250 минг кишини ҳисобга олмаганда) партизанлик группировкалари душманга қарши кураш олиб борган. Партизанлар 20 июнь кечаси душманнинг муҳим темир йўл коммуникацияларига оммавий ҳужум уюштириб, 40 мингдан ортиқ рельсини портлатдилар. Улар совет қўшинларига Березина, Случь, Птичъ, Неман ва бошқа кўпгина дарёларни кечиб ўтишда катта ёрдам кўрсатдилар. Белоруссия операциясида партизанлар томонидан душманнинг 15 мингдан ортиқ солдат ва офицери янчиб ташланди, 17 мингдан ортиқ солдат ва офицери асир олинди.

Иккинчи жаҳон урушида 185 минг партизан СССРнинг орден ва медаллари билан мукофотланган, 230 дан ортиқ киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Партизанлик ҳаракати интернационал характер касб этди. Совет партизанлари билан биргаликда умумий душманга қарши кўпгина ажнабий антифашистлар кураш олиб бордилар. Улардан чехословак ватанпарвари Ян Налепка ва немис антифашисти Фриц Шменкеллар ўлимидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишди. Кўпгина совет партизан отрядлари Шарқий ва Жануби-Шарқий Европа халқларига ёрдам

берди. Бу отрядларга Х.Н.Асмолов, В.А.Карасев, П.А.Величка В.Квитинский ва бошқа кўпгина талантли партизанлар бошчилик қилди.

Партизанлик ҳаракати Совет Иттифоқидан кейин душман босиб олган мамлакатларда ҳам кенг ёйилди.

Бу ўринда биргина Югославияни мисол қилишимиз мумкин. Югославия партизан отрядлари ҳарбий вилоятда, ҳар бир районда ташкил этилиб душманга жуда сезиларли зарбалар берган эдилар.

Фашизмга қарши курашаётган, душман босиб олган мамлакатлардаги партизанлик ҳаракатларига кўпинча душман қўлидан, асирликдан қочган совет солдатлари ва офицерлари ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Гитлерчилар лагерларидан, қамоқхоналаридан қочиш у даражада осон иш эмас эди албатта. Аммо кўплаб ҳарбийлар бунинг йўлини топар ва озодликда душманга қарши курашни ташкил қилар эдилар. Совет солдат ва офицерлари Польша, Франция, Италия, Югославия, Чехославакия ҳудудларида партизан отрядлари ташкил қилдилар.

Фелдмаршал Кейтель 1943 йил 22 мартда “Чуқур ташвиш билан шуни маълум қиламан-ки, жазо чоралари жуда ҳам кучайтирилишига қарамасдан солдат ва офицерларнинг қамоқлардан қочиши тобора кўпайиб бормоқда” деган эди.

Польшада В.П.Войченко ташкил этган “Салика”, Василенко ташкил этган “Уралец”, катта лейтенант Володин ташкил этган “Таден Русский” номли партизан отрядлари душманга жуда катта зарар етказди.

Чехославакияда машҳур бўлган Чапаев номли партизан отряди, совет ҳарбийлари ёрдамида юксалиб борди, душманга жуда кўп зарбалар берди. Чехославян халқларининг фашизмга қарши кураши тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди.

Югославияда чегарачи-матрос А.И.Дяченко бошчилигидаги партизан отряди гитлерчиларга шу қадар кўп зарбалар бердилар-ки, уларни совет десант мунтазам қисмлари деб ишондилар.

Италиядаги Гарибалди номли партизан отряди таркибидан эса юўлаб совет солдат ва офицерлар бўлиб умумий душманга қарши муносиб жанг қилдилар. Уларнинг орасида Ўзбекистонлик жангчилар бўлиб Италияда юксак ҳурматга сазовор бўлган эдилар. Бу отрядга совет офицери В.Я.Переладов бошчилик қилган эди.

1942 йилнинг охири ва 1943 йилнинг бошларида фашистлар Франциянинг шарқий департаментларига (вилоятларига) жуда кўп совет асирларини ва ҳайдаб кетилган ишчиларни олиб келган эди. Фашистларнинг мақсади бу ердаги ишламай турган заводларни ўзлари учун ишлатиш ва кўмир конларидан хомашё қазиб олишни мақсад

қилган эдилар. Ҳарбий асирлар ва ишчилар аввалига оз-оздан, кейинчалик гуруҳ-гуруҳ бўлиб фашистлар қўлидан қоча бошладилар. Уларга Франция аҳолиси сидқидилдан ёрдам бериб турди. Фашистлар таъқибидан қочганлар дарҳол француз қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатининг юксалган даври 1943 йилнинг охири 1944 йилга тўғри келди.

Хулоса қилиб айтганда, партизанларнинг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги фаолияти жаҳон тарихчилари томонидан айтилган: “Совет Иттифоқининг урушдаги асосий омилларидан энг муҳими партизанлик ҳаракатининг кенг ёйилиши ва мувофиқлаштириш бўлди”⁵⁴ деган фикрининг яна бир исботи бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёти йўли. - Т.: Ўзбекистан, 1992.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов. И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. - Т.: 1997.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ, 1998.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон. 2011.

⁵⁴ Партизанское движение в Великой Отечественной войне // Советская военная энциклопедия. / ред. Н. В. Огарков. том 6. - М.: Воениздат, 1978.- С.5.

6. История Второй Мировой войны 1939—1945 (в 12 томах) / редколл., гл. ред. А. А. Гречко. том 9. - М.: Воениздат, 1978.
7. История новейшего времени стран Европы и Америки (1918-1945). Под ред. проф. Е.Ф.Язькова, - М.: 1969.
8. История стран Азии и Африки в новейшее время. - М.: Наука. 1976.
9. Новейшая история стран зарубежного Востока. - М.: Восточная литература. 1957.
10. Новейшая история зарубежных стран Европа и Америка 1917-1945. Под ред. проф. В.К.Фураева, - М.: Просвещение. 1989.
11. Новейшая история стран зарубежной Азии и Африки. - Л.: Наука, 1983.
12. Нуриддинов З.Р. Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1939-1971). - Т.: Ўқитувчи. 1976.
13. Язьков Е.Ф. История стран Европы и Америки в новейшее время. 1918-1949 гг. М.: 2000.

Қўшимча адабиётлар:

14. Бекмухамедов Х.Ю. Тарих терминлари изохли луғати. - Т.: Ўқитувчи. 1978.
15. Брайко П.Е., Калинин О.С. Внимание, Ковпак! - М.: 1975
16. Вершигора П. П. Люди с чистой совестью. - М.: Советский писатель, 1955.
17. Всемирная история в 12-ти томах. - М.: Политиздат. 1960.
18. Гадоев К. Сайёрамиз мўъжизалари. - Т.: Ўзбекистон. 2012.
19. Герои Советского Союза. Краткий биографический словарь. Т.1. - М.: 1987.
20. Дважды Герои Советского Союза. - М.: Воениздат, 1973.
21. За мужество и отвагу. - Харьков: 1984.
22. Зукколар китоби/Аҳмад Муҳаммад Турсун. – Т.: Мухаррир, 2010.
23. История дипломатии в 5-ти томах. - М.: Наука, 1959-1060.
24. Ковпак С.А. От Путивля до Карпат. - М.: 1949.
25. Ковпак С.А. Из дневника партизанских походов. - М.: 1964.
26. Люди бессмертного подвига. Книга 1. - М.: 1975
27. Люди легенд. Выпуск 5. - М.: 1974
28. Новая и новейшая история. - М.: Наука. 1993.
29. Партизанское движение в Великой Отечественной войне // Советская военная энциклопедия. / ред. Н. В. Огарков. том 6. - М.: Воениздат, 1978.
30. Пятницкий В. И. За линией Советско-германского фронта. // Новая и Новейшая история, № 3, 2005 год.

31. Рельсовая война // Великая Отечественная война 1941 — 1945. Энциклопедия / под ред. М. М. Козлова. - М.: Советская энциклопедия, 1985.
32. Рельсовая война // Железнодорожный транспорт: Энциклопедия / Гл. ред. Н. С. Конарев. - М.: Большая Российская энциклопедия, 1994.
33. Семиряга М.И. Тюремная империя нацизма и её крах. — М.: Юридическая литература, 1991.
34. Соколов Б. В. Оккупация. Правда и мифы. — М.: АСТ-ПРЕСС КНИГА, 2002.

Фойдаланилган интернет сайтларининг номлари:

- http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=День_партизан_и_подпольщиков&oldid=59490858
- http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=День_партизанской_славы&oldid=60470703
- http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Ковпак,_Сидор_Артемович&oldid=62953438
- http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Операция_«Рельсовая_война»&oldid=61457203
- http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Пономаренко,_Пантелеймон_Кондратьевич&oldid=58956420
- http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Советские_партизаны_в_Великой_Отечественной_войне&oldid=63143133



Иккинчи жаҳон уруши давридаги партизанлар ҳаракатлари



Партизанлар ҳаракати раҳбарлари
(ўртада П.К.Пономаренко - партизанлик ҳаракати штаби раҳбари)



П.К.Пономаренко - партизанлик ҳаракати штаби раҳбари бўлган

Илова



Генерал-майор Бегман бошчилигидаги совет-поляк партизанлари қўшилмасидан. Траугутт номли отряднинг поляк партизанлари. 1944 йил.



Бир группа болгар партизанлари. Болгария озод этилгандан кейин. 1944 йил.



Француз партизанлари. 1944 йил.



Француз Қаршилиқ Кўрсатиш Ҳаракатининг «Рус отряди»даги совет партизанлари Париж. 1944 йил август.




Италия партизанлари: улар орасида совет жангчиси Ш. А. Мунжишвили ҳам бор. 1945 йил.



Партизан отрядлари командирларининг кенгаши. Ленинград области, 1942.



1. Совет партизанлари Партизанлар қасамномасини имзоламоқдалар, Ленинград области, 1943. 2. Припять дарёси (Белоруссия ССР Аревичёв қишлоғи яқини)да немис-фашистлари флотилиясини тор-мор этган С. А. Ковпак ва А. Ф. Федоров партизанлар қўшнлмаларининг жангчилари, 1943.





Партизанлар ҳаракати аъзосининг гувоҳномаси

Илова

КОЛЕСИЗ ПО ДЕЛАН ВАРШАВ ПАРТИЗАНІ ГРАЖДІН

ПАРТИЗАНСКИЙ КОТЛОК № 3298

Пред'являє цього тов. Церманов

Миртажес

в період Великої Вітчизняної війни був учасником партизанського руху / підпільної організації

на території з вересня 1943 р.

до 10 травня 1944 р.



Підписав підпис
(підпис) Миртажес

Дата видано 10 августа 1944

КОЛЕСИЗ ПО ДЕЛАН ВАРШАВ ПАРТИЗАНІ УКРАЇНИ

ПАРТИЗАНСКИЙ БИЛЕТ № 3298

Пред'являє цього тов. Церманов

Миртажес

в період Великої Вітчизняної війни був учасником партизанського руху / підпільної організації на території з 1 вересня 1943 р.

до 10 мая 1944 р.

Підписав підпис
(підпис) Миртажес

Дата видано 10 августа 1944

Украина ССРда ҳаракат қилган А. М. Грабчак қўмондонлигидаги қўшилма партизани, зарқентлик Миртожи Эрмоновнинг партизанлик билети.



Партизанлар ҳаракати аъзолари учун берилган мукофотлар

Илова



**Партизанлар ҳаракатининг афсонавий қаҳрамони
Артём Сидорович Ковпак**

Илова



Ковпак раҳбарлигидаги партизанлар

Илова



Иккинчи жаҳон урушидаги партизанлар

Илова



Иккинчи жаҳон урушидаги партизанлар

Илова



**Партизанлар ҳаракатининг афсонавий қаҳрамони
Артём Сидорович Ковпак хотираси учун чиқарилган
почта маркаси ва танга пул**

Илова



**Фёдоров, Ковпак ва Строкач - Иккинчи жаҳон урушидаги партизанлар
ҳаракатининг афсонавий қаҳрамонлари**